БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
5 январь
Жума
№ 4 (13.440).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзимизни имтиҳон қиламиз

Райком тугатилса, нима бўлади?

Эсингизда бўлса, ёшларимиз, айниқса, комсомол ходимларининг ўз ташкилотларига бўлган муносабатларини ўрганиш, шундан келиб чиқиб, келгусида қандай амалий ишлар қилиш, ёшлар билан сиёсий мулоқотларда нималарга эътибор беришни чамалаш мақсадида қатор комсомол ходимларига бир неча саволлар билан мурожаат қилгандик. Шундан бери редакциямиз жуда кўп хатлар олди. Бугун жавобларни ҳукмингизга ҳавола қилишдан аввал анкета саволларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

1. Ўз фаолиятингиздан қониқасизми?

2. Қониқарли иш юритишингизга нималар ҳалақит беради?

3. Фавқулодда ноҳия комсомол қўмитаси ёпилса, нималар содир бўлади, деб ўйлайсиз?

4. Тўла мустақил равишда нималар қила олардингиз?

С. МУНОСИБОВА, Самарқанд вилояти, Пайариқ ноҳияси.

1. Ҳа, чунки қўлимдан келганича, иложи борича ҳар бир кишига сидқидилдан ёрдам беришни бурчим деб биламан. Корхонамиз ёшларига бошчилик қиламан (афсус, корхона аниқ кўрсатилмаган), асосан уларнинг талаб ва истаклари билан ҳисоблашган ҳолда иш юритишга ҳаракат қиламан. Бугунги кунда қониқарсиз ишлашни ўзимга маъқул кўрмайман.

2. Ишимизда учраётган ноҳақликлар, танқиддан нотўғри хулоса чиқариб ўч олиш, ёшларни менсимаслик, уларга нисбатан ишончсизлик, қўйилган талабларнинг юзаки бажарилиши ва ҳақазо.

3. Ҳеч нарса содир бўлмайди, деб ўйлайман. Чунки ноҳиямизда оғир меҳнат қилаётган ва иш топа олмасдан сарсон-саргардон юрган ёшларнинг истаклари-ю, мақсадлари билан қизиқмаган, уларга на маънавий ва на моддий ёрдам кўрсатолмаётган ташкилотнинг ёпилишидан нима ҳам содир бўлиши мумкин, ахир?! Фақат комсомол қўмитасида ишлайдиганларгагина қийин бўлиши мумкин, холос. Чунки улар ишсиз қоладилар. Балки шунда ишсиз юрган ёшлар аҳволига тушунишармиди?

4. Ҳозирги кунда ёшларнинг чигаллашиб бораётган муаммолари туб сабабларини ўрганиб чиқиб, уларни ҳал қилишга ўз ҳиссамни қўшишни бурчим, деб биламан.

З. МИРМАҲМАДОВ, Самарқанд вилояти, Ургут ноҳия комсомол қўмитаси комсомол ташкилотлари бўлими мудири.

1. Ҳа, сабаби — жуда қизиқарли, биринчи даражали иш деб ҳисоблайман.

2. Пландан ташқари ишларнинг кўплиги. Бошланғич ташкилотлар котибларининг савияси пастлиги.

3. Баъзи жойларда ёшлар ўртасида муаммолар, безорилар кўпаяди.

4. Ўз вазифамни бажариш учун янада кўпроқ ишлайман. Кадрларни тарбиялаш ва танлашга алоҳида эътибор бераман, интизомни мустаҳкамлашга ҳаракат қиламан.

Н. ЭШОНҚУЛОВ, Самарқанд вилояти, Ургут ноҳияси комсомол қўмитаси котиби.

1. Ҳа, қониқаман. Комсомол ишига, ёшлар билан ишлашга ёшлигимдан қизиқиб келганман. Қўмитадаги ўртоқларим билан бир оила фарзандларидек иноқ бўлиб кетганмиз.

2. Яхши ишлашимга ҳеч ким ҳалақит бераётгани йўқ ва ҳалақит бера олмайди, деб ўйлайман.

3. Аввалaмбор, бунга ишонмайман. Ёпилган тақдирда, ёшлар барибир қандайдир ташкилотга бирлашадилар ва бу ташкилотнинг вазифаси ёшларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашдан иборат бўлиши керак.

4. Ҳамма нарса менинг ихтиёримда бўлганида, биринчи навбатда ёшларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаган бўлардим, ёшлар маркази ишини ривожлантириб, судхўрликсиз қарз пули беришни ташкил қилар эдим. Ахир, ёшларни моддий жиҳатдан қўлламасдан туриб, ҳозирги сиёсатимиз тўғрилигини исботлаш осонми?

У. ТОЖИЕВ, Бухоро вилояти, Пешку ноҳия комсомол қўмитасининг комсомол ташкилотлари бўлими мудири.

1. Қониқмайман. Вазифаларимни тўла тушуниб олганимча йўқ. Ҳужжатлар билан ишлашда кўп хатоларга йўл қўяман.

2. Асосий вақтимиз қоғозлар билан ишлашга кетади. Шу сабабли бошланғич комсомол ташкилотларига ҳар кун бориш, ёрдам бериш имконияти йўқ. Аммо улар ишини яхшиламасдан туриб, ноҳия комсомол қўмитаси ва умуман комсомол фаолиятини яхшилаб бўлмайди. Чунки «бошланғичлар» бевосита комсомоллар билан иш олиб борадиган ташкилотлардир.

Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқимиз жуда оз.

3. Ёшларнинг турли хил маълум бир мақсадни кўзловчи ёки умуман мақсади бўлмаган ташкилотлари вужудга келади. Бу ташкилотлар ўртасида низолар вужудга келади. Ёшлар ўртасида жиноят кўпаяди.

Илғор фикрли ёшлар ўзларининг ёшлар манфаати учун хизмат қилувчи бошқа ташкилотини тузадилар.

4. Аввало, қоғозлар билан ишлашни энг паст миқдоргача камайтирилиши, кўп вақтни ёшлар ўртасида ўтказиш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бор имкониятлардан фойдаланиш, бошланғич комсомол ташкилотларига барча ҳуқуқларни бериб қўйиш (пул маблағларидан фойдаланишгача), комсомол сафини тозалашга ҳаракат қилардим.

К. РАҲИМОВ, Бухоро вилояти Пешку ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби.

1. Тўла қониқмайман. Яқинда цех бошланғич комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Ёшлар жуда кўп масалаларни кўтариб чиқишди. Масалан, «Жонгелди» совхозида комсомол ёшлар, айниқса, совхоз марказида яшаётган 60 га яқин хотин-қиз ВЛКСМ аъзолари иш билан таъминланмаганлар. Бу ҳақда икки йил аввал ҳам гап бўлганди, бироқ ҳозиргача натижа йўқ.

2. Қониқарли иш олиб боришимиз учун ҳалақит бераётган асосий нарса, ёшлар ҳуқуқларини тўла ҳимоя қила олмаётганимиз. Уларнинг талаб ва истаклари шундайлигича қолмоқда. Планлаштиришдаги жиддий камчиликлар ҳам ўз ишини қилаяпти. Ноҳиямиздаги иккита ҳунар-техника билим юртида ҳам механизаторлар тайёрланади. Уни ҳар йили 60-70 нафар комсомол аъзоси битириб чиқаяпти. Уларни иш билан таъминлаш тўғрисидаги комсомолга қилинган мурожаатлар жавобсиз қолаяпти, негаки хўжаликларда механизаторлар етарли.

3. Ёшларнинг маълум, асосан фаол қисмида норозилик юзага келади. Улар ўз ташкилотларини тузиш ҳаракатига тушадилар.

4. Ижтимоий-иқтисодий талабларни тўла қондиришга, комсомол обрўсини кўтаришга ёшларни сиёсий фикрлашга ўргатишга, бошланғич комсомол ташкилотларига тўла мустақиллик бериб, қоғозбозликни тугатишга ҳаракат қилардим.

Мана, жавоблар билан танишиб ҳам бўлдингиз. Кўриниб турибдики, муаллифларимиз ҳаётда яхшилик сари биронбир ўзгариш қилишни истайди. Кўпчилик ўз фаолиятидан норози. Бироқ учинчи саволга берилган жавобларданоқ кўриниб турибдики, улар ўз истакларини қандай амалга оширишни билишмайди. Эътибор беринг, самарқандлик С. Муносибовадан ташқари қолган барча ходимларнинг жавобларида «янги ташкилот комсомол ёпилсагина тузилади, унинг деярли мақсади ҳам бўлмайди», деган фикр айтилган. Нега энди янги ташкилотнинг мақсади бўлмас экан? Ёки комсомол ходимлари қолган ёшларни шунчалик бефаҳм деб билишадими? Биз масалан, комсомол ёпилса, безорилар кўпайиб кетишига ҳеч ишонмаймиз. Акс ҳолда, комсомол ҳали дунёга келмаган пайтлари ёшлар ёппасига безори бўлишган экан-да, деган хулоса келиб чиқади.

Айтиш керакки, редакциямизга келаётган кўплаб хатларда қуйидаги ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, бир йигит бизга хат йўллаб: «Халқ ҳолидан хабардор бўлиб туриш керак», дейди. «Келинг, ўйлаб кўрайлик, айнан ким хабардор бўлиши керак», деб сўраймиз биз. Раҳбарларми? Ахир Ўзбекистонда нечта раҳбар бор? «Хабардор бўлиш», нимани билдиради? Шу саволларни кўндаланг қўйгач, штатсиз мухбиримизнинг талаби naқадар жўн, мавҳум эканлиги кўриниб қолади. Бизнинг камчилигимиз ҳам шундаки, айнан кимдан нимани талаб қилишни билмаймиз. Халқ, халқ, деймиз, халқ ўзи ким? Биз эмасми? Нега унга доимо четдан қараймиз. Ёки бошқа мисол, кўп жавобларда комсомол ходимлари ёшлар ташаббусига кенг йўл очилмаётганлиги, уларнинг иқтисодий таъминланмаганлиги, қоғозбозлик, пландан ташқари ишларнинг кўплигидан нолишган. Биз бу камчиликларни бюрократиядан кўришга одатланиб қолганмиз. Аммо бюрократ ким? Яна ўзимиз эмасми? Унинг фаровон яшаши учун ўзимиз бор шароитни яратиб бермаяпмизми? Айбдорларни «улар» деб аташга ўрганиб қолганмиз, аммо кенгроқ мушоҳада қилсак, «улар» бизнинг «ичимизда» экани аён бўлмайдими? Мана шу саволлар хусусида ёшларимиз чуқурроқ ўйлаб кўришларини истардик.

Қайта қуришни инқилобга таққослаймиз. Истардикки, ёшларимиз ўз мутолааларида инқилоб йилларига кўпроқ мурожаат қилишса, улуғ инқилобчилардан нима қилмоқ кераклигини, ўз ғоялари учун қандай йўллар билан курашиш лозимлигини ўрганишса. Чунки улар жумҳуриятимизнинг эртанги кунини белгилашади, халқимиз ҳозирги аҳволда қолиб кетаверадими ёки эркинликка, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга эришадими — ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Бироқ ҳозирги сиёсий билимларимиз билан узоққа бориб бўлмайди.

Г. АЛИБОЕВА,
Ф. ТУРНИЁЗОВ.



Бухоро вилоятининг Пешку ноҳияси марказида Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш фабрикасининг филиали очилди. Бу ерда 150 киши икки сменага бўлиниб ишлайди. Сиз суратда кўриб турган қиз фабриканинг илғор тикувчиларидан бири, комсомол аъзоси Ирода Бухранова бўлади. У қисқа вақт ичида топшириқларни сифатли ва ўз вақтида бажариш билан корхонада танилди.

Ҳ. ҚУРБОНОВ сурати.

АНДИЖОНДАН МИЛАНГА... ЯНА АНДИЖОНГА

Андижондаги «Асал» агрофирмасининг меҳнаткашлари узоқ Италияга 113 тонна асал жўнатдилар. Пландан ташқари тайёрланган бу маҳсулотни Милaндаги «Термоформинг» фирмаси сотиб олди. Италияликларга асал жуда ҳам ёқиб қолди.

Шартномага мувофиқ Андижон вилоятида асални оз-оздан, харидорлар учун жуда ҳам қулай бўлган ҳолда қадоқлайдиган цех қурилади. Италияликлар тақдим этган линия ана шу маҳсулотни ҳатто 10 граммлик халтачаларга жойлаштириш имконини беради. Бу асал асосан мамлакат ички бозорларига юборилади. Маҳсулотнинг бир қисми валюта олиш мақсадида ҳорижга, жумладан, Италияга ҳам жўнатилади.

«Термоформинг» фирмаси мутахассислари цехни шу йилнинг ўзида қуриб бериш ниятидалар. «Асал» агрофирмаси эса айни вақтда янги шерикларни изламоқда.

Ленинск шаҳри.

ТЕЖАМКОРЛИК САМАРАСИ

Навоий ноҳиясидаги «Бухоро» колхозида бутун бир бошлиқлар «бригадаси» — ҳисобчилар, бригадирлар, участка агрономи ўрнига фақат бир киши — агроучастка бошлиғи ишламоқда. Хўжалик «ортиқча» раҳбарларни қисқартириш ҳисобигагина ўтган йили 30 минг сўмдан ортиқ пулни тежаб қолди.

«Ортиқча» одамларни қисқартириш шунчаки асосий мақсад эмас. Бу ерда ижара усулида ишлашга ўтишган, шунинг учун ҳам ҳар бир киши пировард натижадан манфаатдордир. Колхоз деҳқонлари тажрибали, саводхон бўлганликлари учун кўпдан-кўп «кўрсатма» берувчиларга эҳтиёж қолмади. Бунинг натижасида атиги 17 иш кунида «оқ олтин» мавсуми планини ошириб бажариш билан якунладилар.

Деҳқонларга мустақиллик берилганлиги хўжаликда ҳам фойдалидир. Йил якунларига биноан колхоз 3 миллион сўмдан кўпроқ фойда олди, рентабеллик 3 фоиз кўпайди. Ижарачиларнинг ўртача ойлик маоши 300 сўмга етди.

(ЎзТАГ мухбири).

Жумҳурият янгиликлари

● **ТОШКЕНТ** тўқимачилик комбинатининг меҳнат коллективи меҳр-мурувват фондига 2 минг сўм пул ўтказди. Пойтахтнинг Фрунзе ноҳияси ветеранлар кенгаши ташкил қилган бу фонд 70 сўмдан кам нафақа ёки пенсия олаётган ёлғиз қариялар ва оилаларга ёрдам беради. Тўқимачилар меҳнат коллективи кенгашининг қарори билан ажратилган бу маблағни ўтган йили комбинатнинг барча фабрика ва корхоналарининг меҳнатчилари ишлаб топишган эди. Илгари комбинатда ишлаган кўпгина ветеранлар энди қўшимча пул олишади.

● **БУХОРОДА** «Госкоминтурист»нинг бўлимига қарашли қаҳвахона ва қандолатчилик цехи ишлай бошлади. Улар учун янги бино қуришнинг ҳожати бўлмади. Маҳаллий тикувчилик бирлашмаси бўшаб қолган эски биносининг бир қисмини қандолатчилар ихтиёрига берди. Машина ускуналар Италиядан келтирилди. Бу ерда меҳмонларга бир неча хил музқаймоқ, торт, пирожное ва пишириқларни таклиф қилишаяпти. Уддабурон ширинпазлар ҳар ойда 47—48 минг сўмлик маҳсулот сотишни мўлжаллашаяпти.

● **ДАСТЛАБКИ** сони обуначиларга 3 январь куни етказиб берилган янги газета «Крилья Узбекистана» деб аталади. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг, тармоқ жамоат ташкилотларининг ҳафталик матбуот органи беш минг нусхада чиқа бошлади. Авиаторларга ҳам, йўловчиларга ҳам мўлжалланган мазкур нашрда хўжалик юритишни қайта қуриш муаммолари тўғрисидаги, осмон саёҳатчиларига хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва истиқболлари ҳақидаги маълумотлар бериб борилади. Шу йилнинг ўзидаёқ газета ўзбек тилида ҳам чиқа бошлайди.

● **АНГРЕННИНГ** тез қад кўтараётган турар жой массивида «Марҳамат» миллий таомлар қаҳвахонаси ишга туширилди. Қаҳвахона ёшларнинг бир нечта ётоқхонаси жойлашган бу районнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда қурилган. У ерда 150 ўрин бўлиб, у эрта тонгдан кечгача ишлайди, нархлар ҳам унчалик қиммат эмас. «Узбекшахтостр о й »нинг 95-механизациялашган колоннаси архитектор ҳамда қурувчилари ишларини ўз муддатида пухта ва муваффақиятли бажардилар.

● **МАҲАЛЛИЙ** нон заводи ишчилари Ангрен шаҳрининг савдо тармоқларига 200 граммли хушбўй нонларни юбора бошлашди. Ўз беморлари ўртасида ижтимоий тадқиқот ўтказган шаҳар шифокорлари истакларининг бири бажарилди. Улар ёрдамида нон-булка маҳсулотрининг янги хиллари ишлаб чиқилиб жорий этилди. Ҳозир тайёрланаётган бу нонлар қанд касаллиги билан оғриган кишилардан ташқари, ошқозон-ичак касталигига йўлиққанлар учун ҳам фойдалидир.

● **ХЎЖАЛИК** юритишнинг янгича шароитларига ўтилиши Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ижтимоий соҳасини ривожлантиришда катта истиқболлар очди. Олинган фойданинг бир қисмини мазкур комбинат даволаш-санитария қисмида очилган игна билан даволаш хонасини ташкил этишга сарфладилар. Бу ерда мамлакатимизнинг йирик даволаш марказларида иш ўрганиб келган юқори малакали мутахассислар беморларга хизмат қилишади.

ҚИЗИШМАСДАН ҲАЛ ЭТАЙЛИК

Тожикистон алюминий заводи атрофидаги экология вазиятининг ёмонлашаётганлиги сабабли сўнгги вақтда бу корхонанинг ихтисосини ўзгартириш ва ҳатто ёпиб қўйиш тўғрисида талаблар бўлмоқда. Яқинда шу корхонага СССР Министрлар Советининг идоралараро комиссияси борган эди. ТАСС мухбири СССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети бош назорат тафтиш бошқармаси бошлиғи В. Е. ЗИБЕРОВдан шу комиссия иши натижалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— **Валентин Евгеньевич, балки ўзингиз раислик қилаётган комиссияда кимлар ишлагани ҳақида бир-икки оғиз гапириб берарсиз?**

— Бизнинг экспертларимиздан ташқари комиссияга СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Металлургия министрлиги, СССР Гидрометериология Давлат комитети ва бошқа бир қанча манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари, шунингдек, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР Министрлар Советининг вакиллари кирган эди.

— **Комиссия завод атрофидаги экология вазиятига қандай баҳо берди?**

— Корхона атроф-муҳитни булғайдиган моддаларни ҳавога чиқариб юборишни йўл қўйиб бўладиган даражага тушириш учун тадбирларни асосан бажармоқда. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ана шу заҳарли моддалар тармоқдаги энг паст кўрсаткичлардандир. Масалан, 1989 йилнинг январь-май ойларида ҳавога фторли водород чиқиб кетиб унинг булғаниши норма атрофида бўлди. Аммо 1989 йилнинг июнь-август ойларида заводга гилтупроқ етарлича етказиб берилмаслиги оқибатида технология бузилди ва ҳавога фторли бирикмалар кўплаб чиқиб кетди. Умумдавлат кузатувчи маҳкамасининг маълумотларига кўра, Турсунзода ноҳиясида ана шу бирикмаларнинг ўртача йиғилиб қолиши июль ойида нормадагидан 2,4 баравар ортиқ бўлди. Бу бирикмалар асосан Ўзбекистон ССРнинг Сариосиё ноҳиясига ёйилмоқда. Бу ноҳияда ҳавонинг булғаниши нормадагига нисбатан 4,8 баравар кўп бўлди. Аҳоли таҳликага тушиб қолди. Заводда электролиз ванналарнинг бир қанчаси тўхтатиб қўйилди, айбдорларга жарима солинди.

— **Аммо, барибир, муаммо ҳал бўлмай қолаверибди-ку...**

— Афсуски, биз қуйидагиларни аниқладик: Сариосиё ноҳиясида болаларнинг касалга чалиниши 2,8 баравар кўпайди. Катталар орасида касалга чалиниши эса 2,2 баравар кўпроқ бўлди. Одам аъзойи баданининг касалликларга бардош бериши сусайди, гўдакларнинг сут тиши чириши касаллиги икки марта ва енгил флюороза касалига чалиниш 8,8 баравар кўпайди.

Турсунзода ноҳиясида болаларнинг касалга чалиниши 12 фоиз, нафас йўлларининг касалланиши 1,4 баравар кўпайди, туғма мажруҳлик 9 баравар ортди.

Таркибида фторли водород бўлган корхона чиқиндилари токзорларга, мева дарахтларига, пилланинг маҳсулдорлигига ҳам салбий таъсир этаётганини тадқиқотлар кўрсатиб турибди.

— **Демак, корхонани ёпиб қўйиш керак, деб талаб қилаётган кишиларнинг гапида жон бор экан-да...**

— Мен бунчалик чўрт кесиб айтмаган бўлур эдим. Пестицидлар, ўғитларнинг таъсирини ҳам соқит қилмаслик керак. Бу ноҳиялардаги ичимлик суви истеъмолга ярамайди. Медицина хизматининг малакаси паст. Барча муаммоларни комплекс ҳал этиш зарур. Яна завод ҳақида гапирадиган бўлсак, табиатни муҳофаза этишга оид бажарилган тадбирлар ва белгилаб қўйилган чораларнинг таҳлили шундан далолат бериб турибдики, 1990 йилдаёқ чиқиндиларни норма даражасига тушириш мумкин. Тўғри, ҳозирча корхона табиатни муҳофаза этиш органларининг кўрсатмаларини тўла бажараётгани йўқ, хом ашё ва электр энергия таъминотида узилишлар бўлиб қолган тақдирда чиқиндилар бирданига кўплаб чиқиб кетишининг олдини олиш учун тадбирлар кўрилмаган...

— **Хўш, комиссия нималарни таклиф қиляпти?**

— Биз ҳавога зарарли моддаларни чиқариб юборишнинг нормативларига қатъий риоя этилишини таклиф қилмоқдамиз. Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССРнинг табиатни муҳофаза этиш Давлат комитетлари ва давлат санитария назорати ташкилотлари бу иш устидан жуда қаттиқ назоратни таъминлайдилар. Нормативлар бузилгудек бўлса, зарур чоралар кўрилади. Ҳатто заводда алюминий ишлаб чиқаришни чеклаб қўйиш ҳам мумкин.

СССР Металлургия министрлиги ва СССР Давлат план комитети гилтупроқ мунтазам етказиб берилишини таъминлашлари керак. Аммо 1990 йилнинг 1 апрелига қадар, мабодо корхонага хом ашё етказиб беришда узилишлар содир бўлган тақдирда зарарли моддаларнинг бирваракайига кўплаб чиқиб кетишининг олдини олиш учун тадбирлар ишлаб чиқилиши ва келишиб олиниши керак.

СССР Металлургия министрлигига ва заводга 1990—1991 йилларда иккита профилакторий, 12 та мактаб, болалар боғчалари ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари қуриш, ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 26 та қудуқ қазиш тавсия этилди. Бунинг учун қарийб 8 миллион сўм зарур. Ўзбекистон ССРнинг Сариосиё ноҳиясида 3,5 миллион сўмлик объектлар қуриш ҳам шу жумлага киради.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССРнинг Соғлиқни сақлаш министрликлари билан биргаликда Сариосиё ва Турсунзода ноҳияларида аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашлари, Тожикистон ССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети эса атроф-муҳитни булғайдиган чиқиндиларнинг миқдорини оператив назорат қилиб турадиган жумҳуриятлараро лаборатория очиши керак.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва СССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитетига ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиб, тадқиқот ишлари тугаганидан кейин, орадан уч ой ўтгач, атроф-муҳитнинг аҳволи ва аҳолининг сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги илмий тадқиқот ишлари материалларини тиббий экологик экспертизадан ўтказишни таклиф этди. Булғовчи моддаларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, биринчи навбатда Ҳисор водийсининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири экологик нормативларини ишлаб чиқишни ҳам жадаллаштириш зарур.

— **Бу таклифларнинг барчаси қоғозда қолиб кетади, деб хавотирланмаяпсизми?**

— Биз бу таклифларни СССР Министрлар Советига тақдим этамиз, ҳукумат Тожикистон алюминий заводи атрофидаги экология вазиятини диққат-эътибор билан кузатиб бораётган экан, умидвормизки, бу таклифлар қабул қилинади.

Суҳбатни ТАСС мухбири С. МОРОЗОВ олиб борди.
Москва.

КООПЕРАТИВ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ

Тошкент-Нукус ҳаво йўлида Ту-154 Б самолёти қўшимча равишда қатнай бошлади. У ҳали одат тусига кирмаган бўлса ҳам, янгича иқтисодий шароит учун табиий ҳолдир. Бу ҳаво йўлининг ўзига хос хусусияти шундаки, одатдаги маршрут бўйича учган самолётни тошкентлик учувчилар эмас, балки нукуслик учувчилар бошқаришди. Мамлакат граждан авиациясида жуда қиммат турадиган самолётлардан фойдаланишнинг кооператив усулларини жорий этиш туфайли шундай қилиш мумкин бўлди. Бинобарин, хўжалик ҳисобида ва иқтисодий мустақиллик шароитида бундай иш юритишга ҳамманинг ҳам қурби етавермайди.

— Иттифоқимиз ҳаво йўлларида Ту-154 Б самолётини бошқариш қорақалпоқ авиаторлари учун катта шарафдир, — дейди дастлабки рейсда экипажни бошқарган маҳаллий отряд командири Ж. Оразбоев. Бу экипаж Нукус авиакорхонаси Тошкентдан ижарага олган самолётни бошқарган эди. — Мазкур рейс натижасида анча мураккаб электрон техника асбоблари билан жиҳозланган самолётлардан фойдаланишнинг янги босқичи бошланди. Кооперация Тошкент авиакорхонаси воситачилигида маҳаллий авиацияни анча тез ривожлантиришга имкон беради. Энди Нукус орқали ўтадиган барча самолётлар, шу жумладан, оғир машиналарни ҳам қорақалпоқ экипажлари бошқаришади. Яқин орада Ту-154 самолёти Запорожьега, май ойида эса Кривой Рогга бориб қайтадиган бўлади.

Самолётлардан фойдаланишнинг кооператив усули Нукус отряди молиявий аҳволини анча ўнглаб олишга имкон беради. Бу отряд хўжалик ҳисобига ўтилиши муносабати билан зарар кўра бошлаган ва давлатдан қарздор бўлиб қолган эди. Нукус учувчилари ижарага олинган Ту-154 ва шунга ўхшаш яхши фойда келтирадиган самолётларда хизмат қилиш натижасида оладиган фойда давлатдан қарз олишни тўхтатиш учун имконият яратади. Нукус аэропортига алоқадор барча ҳаво йўлларини кооператив усулига ўтказишни 1991 йилда туғаллаш режалаштирилган. Бунда граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг мутахассислари ёрдам беришади. Қорақалпоғистонлик учувчилар ва штурманлар янада замонавий машиналарни бошқариш кўникмасини Қозоғистон ва Туркманистон авиакорхоналарида ҳам ҳосил қиладилар. Кооперация йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилашга ҳам ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).

«КОМСОМОЛ ДОИМ КЕРАК...»

Суҳбатдошимиз — Гулираъно Маткаримова Хива ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби лавозимида ишлайди. 1964 йил туғилган. 1985 йилдан КПСС аъзоси, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. 1982 йилдан бери комсомол ишида. 1988 йил сентябрида ноҳия комсомол қўмитаси котиблигига, XXXVI Хива ноҳия комсомол конференциясида сайланган ноҳия комсомол қўмитасининг пленумида эса ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби лавозимига муносиб кўрилди.

— Гулираъно, ҳозир қаерга борманг, ким билан суҳбатлашманг, ҳамма бир овоздан «комсомол инқирозга учради», «комсомолни тугатиб, ўрнига янги ташкилот тузиш керак», дейишади. Сиз бу фикрга қўшиласизми! Қўшилсангиз, инқирознинг сабабларини қандай изоҳлайсиз!

— Комсомолга берилган баҳо тўғри. Бироқ мен комсомол умуман керак эмас, деган фикрга қўшилмайман. Комсомол бизга ҳар доим керак бўлган ва бундан буён ҳам керак бўлади. Ундан юз ўгирганларга келсак, биринчи навбатда комсомол ходимларини назарда тутаяпман, уларни қийинчиликлардан қўрқадиган, доимо енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганган одамлар деб ҳисоблайман. Гапнинг очиғи, уларни комсомол ходими дейишга ҳам тилим бормайди. Афсуски, комсомолни «юқори»га олиб чиқувчи зинапоя, деб тушунувчи бундай амалпарастлар орамизда кўпчиликни ташкил этади.

Комсомолнинг инқирозга учраш сабабларига келсак — бу мамлакатимиз тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. 72 йил давомида Шўролар давлати қандай ютуқларга эришган ва қандай йўқотишларга учраган бўлса, комсомол ҳам ҳаммасини бошидан кечирди. Ҳозирги кунда комсомол омманинг ишончини йўқотган ижтимоий-сиёсий институтлар орасида биринчи ўринда турганлигини эса унинг ҳеч қачон мустақил бўлмаганлиги ва доимо партиянинг югурдаги вазифасини бажариб келганлиги билан изоҳлаш мумкин.

— Кечирасиз, бироқ ҳозирча КПСС Уставида ҳам, комсомол партиянинг жанговар резерви ва ёрдамчиси дейилган...

— Ҳамма гап ана шунда. Шу пайтгача биз «жанговар резерв ва ёрдамчи» сўзларини бир ёқлама тушундик ва талқин этдик. Биз ҳақиқатан ҳам, партиянинг жанговар резерви ва ёрдамчиси бўлишимиз керак, аммо унинг барча кўрсатмаларини кўр-кўрона бажарувчи робот эмас. Комсомол ва партиянинг ғоявий дастури бир бўлсин, бироқ ғояни амалга ошириш усули, услуби, йўналиши мустақил бўлиши шарт. Бунинг учун Уставимиздан ташқари умумхалқ, умуммиллат, умумдавлат миқёсидагина эмас, балки ана шу манфаатлардан келиб чиққан ҳолда конкрет ёшлар қатламларининг конкрет манфаатларини акс эттирувчи, ҳимоя қилувчи дастуримиз бўлиши лозим.

— Сизнингча, комсомолнинг обрўсини тиклаш учун нима қилиш керак!

— Авваламбор, сўз ва иш бирлигига эришишимиз лозим. Демократиманки, баландпарвоз гаплар ва ваъдалар қаноатига «учадиган» пайт аллақачонқ ўтиб кетган. «Паст»га тушишимиз, аъзоларимизни нималар ўйлантираётгани, нималар ташвишлантираётганини аниқ билишимиз ва шу йўналишда ишлашимиз зарур. Ҳар бир комсомол ташкилоти биринчи навбатда ўз ҳисобида турувчи ёшларнинг ҳаётини мазмунлироқ қилиш учун курашмоғи керак. Жумҳурият, мамлакат беш йиллик планларига муносиб ҳисса қўшайлик, деган умумий гаплардан воз кечиш шарт. Аниқлилик ва яна бир бор аниқлилик — комсомолнинг обрўсини кўтарадиган асосий омил фикримча шу.

— Мумкин бўлса, Хива ноҳиясида комсомол қўмиталари бу йўналишда асосан нима иш қилгани ва қилмоқчи эканлигига аниқ мисоллар келтирсангиз.

— Марҳамат. Ноҳия комсомол қўмитаси ташаббуси билан «Достон» фольклор-этнографик уюшмаси ташкил этилди. Унга Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқлари халқ оғзаки ижоди фестивали лауреати Бола бахши Абдуллаев ўғли Абдулла Қурбонниёзов бошчилик қилмоқда. Уюшмани ташкил этиш учун қўмитамиз 500, пахта тозалаш заводи 1000 сўм ажратди. Тикувчилик, сопол буюмлари фабрикалари ҳам маблағ ажратмоқчи. «Достон» Хоразм халқ санъатини ташвиқот қилади. Унинг тадбирларидан тушган даромаднинг 5—10 фоизи ноҳия комсомоли ҳисобига ўтказилади. Бу маблағни биз яна маданий ишларимизни ривожлантиришга сарфлаймиз. Гилам комбинатида ёшлар кооперативи очмоқчимиз. Йигит-қизлар унда чиқиндилардан халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашади.

1987 йилда ноҳия ёшлари учун Ижодкор ёшлар уйи қурилиши бошланганди. Қурилиш икки йилдан бери туя гўшти еб ётганди. Ноҳия фирқа ва ижроия қўмиталарига кираверибб безор қилиб юбордик. Ҳар қалай силжиш бошланди. Ўша ернинг ўзида, яъни қурилиш майдонида ноҳия фирқа қўмитасининг саркотиби Мирон Данилович Ли билан учрашув ўтказдик. Мирон Данилович ёшларни қизиқтирувчи барча саволларга жавоб берди. Хуллас, қурилишни тезда туталлашга келишилди. Ёшлар уйи битгач, «Достон» уюшмаси шу ерга кўчади. Дарвоқе, тўйхонамиз аллақачон фойдаланишга топширилган. Лотерея ўйини, Тошкентда ўқиётган талабаларимиз билан «Келинг, очиқчасига гаплашайлик» шиори остида баҳс-мунозара уюштирдик.

— Комсомолнинг ташкилий қурилиш принципи сизни қониқтирадими!

— Йўқ. Менимча, вилоят комсомол қўмиталари керак эмас.

— Нима учун!

— Ўйлашимча, мавжуд системани яратганлар вилоят қўмиталарини методик орган сифатида ташкил этишган. Бироқ ҳозирги кунда вилоят қўмиталари фақат ноҳия қўмиталаридан маълумотнома йиғиш-у, уларни Марказий Қўмитага узатиш билан шуғулланишяпти, холос. Улардан бирор бир амалий ёрдам кутиш мушкул. Бунга Хивада ўтган Байналмилал дўстлик клубларининг Бутуниттифоқ I фестивалини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Анжуман ташкилий қўмитасининг аъзоларидан бири вилоят қўмитаси котибларидан бири эди. Фестивалгача икки бор келиб кетган бўлса-да, ёрдами сезилмади, учинчи марта эса очилиш маросимида кўринди, холос.

— Ҳозир комсомол олдида турган асосий вазифа нимадан иборат деб ўйлайсиз!

— Ёшларнинг маънавий-сиёсий онгини ўстириш. Афсуски, биз бу борада қардош жумҳуриятлардан, айниқса, Болтиқбўйи жумҳуриятларидан жуда орқада қолиб кетганмиз. Фарғона фожиасини келтириб чиқарган асосий сабаблардан бири ҳам шу деб ўйлайман. Бироқ бунга йигит-қизлар эмас, балки биз, комсомол ходимлари, комсомолнинг бюрократик аппарати ҳам айбдор. Ноҳия комсомол қўмиталари аъзоларини сайлашда биз машъум синфларга бўлишга чек қўймоғимиз керак. Фикримча, ноҳия комсомол қўмитаси аъзоларининг маълум қисми ишчилардан, маълум қисми колхозчилардан, маълум қисми зиёли ёшлардан иборат бўлмай, ҳаммалари ёппасига ташаббускор йигит-қизлар бўлиши лозим. Шундагина биз ўйлаган мақсадимизга етишимиз мумкин.

— Сизни яна қандай масалалар ўйлантирмоқда!

— Ишсизлик муаммоси. Хивада бундай кишилар 10 мингдан зиёд. Уларнинг ярмидан кўпи эса ёшлар. Хонадонларда хотин-қизлар учун гилам тўқиш, кашта тикишни, колхоз ва совхозларда эса ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш керак. Аммо маблағ ва имкониятларимиз, хом ашё базаси чекланган. Ҳозирча фақат Беруний колхозида консерва заводи ишга туширилди.

— Тўрт йилдан бери мамлакатимизда қайта қуриш амалга оширилмоқда. Халқимизнинг ундан умиди катта. Бироқ йилдан йилга турмуш фаровонлиги ўсиши ўрнига аксинча бўлмоқда. Шундай экан, сиз қайта қуришга ишонасизми!

— Ишонаман. Чунки, назаримда тарихимиздаги мудҳиш хатоларга очиқ-ойдин баҳо берилгани халқимизнинг кўзини очди. Коммунизмнинг ҳозирча биз учун сароб эканлиги ҳам маълум бўлди. Энди халқни яна сталинчилик ва брежневчилик давридаги каби «ухлатиб» қўйишга ҳеч қандай куч қодир эмас. Қайта қуришнинг қийинчилик билан бораётганига келсак, шуни унутмаслик керак-ки жамиятимизда фақат қайта қуриш тарафдорлари эмас, душманлари ҳам бор. Улар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Бундан ташқари менимча, энг ёмони ва хавфлиси ҳам шу, қайта қуриш тарафдори бўлганларнинг аксарияти уни қуруқ шиорга айлантириб олишган. Негадир кўпчилик қайта қуришни Горбачев ва бошқа раҳбарлар қилиши керак, деб ўйлашади. Тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган яна бир сабаб шуки, раҳбарлик лавозимларини эгаллаб ўтирганларнинг катта қисми турғунлик даври одамлари. Уларнинг осонликча жон бермасликларини эса кундалик турмушимизда кўриб турибмиз.

— Норасмий ташкилотларга муносабатингиз қандай! Уларнинг кўпайиши ва кучайиши комсомолнинг обрўсига ва таъсир кўламига путур етказмайдими!

— Халқ фаровонлиги учун курашадиган ҳар қандай хоҳ расмий, хоҳ норасмий ташкилот бўлсин, тўла қўллаб-қувватлайман. Уларнинг кўпайиши ва кучайишига келсак, бу айни муддао бўларди. Негаки, биринчидан бунда биз ҳақиқий фикрлар хилма-хиллигига эришамиз. Ҳақиқат эса ўзингизга маълумки, баҳсда туғилади. Иккинчидан эса, жамиятимиз олдида турган оғир ва зудлик билан ҳал этилиши керак бўлган муаммолар шу қадар кўпки, комсомолдан ташқари унга тенгдош яна ўнта ташкилот бўлган тақдирда ҳам иш ҳаммамизга етиб ортади.

Суҳбатни Фарруҳ РАҲИМ олиб борди.

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ БЎЛИМИДАН: Гулираъно Маткаримова «Вилоят комсомол қўмитаси керак эмас» дейиш билан бизнингча жумҳуриятимиз комсомол ходимлари орасида биринчи бўлиб комсомолни қайта қуриш юзасидан аниқ таклиф киритди. Биз уни якка-ю ягона тўғри фикр демоқчи эмасмиз, аммо ўйлаб, мулоҳаза қилишга арзийдиган таклиф. Чунки ҳозир мамлакатимиз, ундаги ёшлар ҳаракати бўлажак чуқур ўзгаришлар арафасида турибди. Бундан буён комсомолнинг ёшлар ҳаракатида яккаҳоким бўлиб қолмаслиги аён. Шу боис биз ҳам ўз навбатида бир неча таклиф билан комсомол ходимларига мурожаат қилмоқчи эдик:

Биринчидан: яқин келгусида комсомолдан ташқари унга тенгдош бўлган янги ташкилотлар тузилиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида ВЛКСМ аъзоларининг сони қисқаришига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари шу пайтгача комсомолнинг ички союз ишидаги энг бошқотирма иш — бу аъзоларнинг ҳисобини олиш. Барча бўғинлардаги комсомол қўмиталаридаги катта бўлим ҳам ҳисоб шўъбаси ҳисобланади. Комсомол ходимларини ортиқча ишдан ҳалос этиш ва аппарат ходимлари сонини қисқартириш учун алоҳида ҳисоб варақалари (карточкалари)ни бутунлай тугатсак ва унинг ўрнига комсомол билетига шундай варақа қўшилса, яхши эмасми! Комсомол аъзоси қаерга боришидан қатъи назар билети билан ҳисоб варақаси ҳам ёнида бўлган ва унинг орқасидан қидириб юришнинг ҳожати қолмаган бўлур эди.

Иккинчидан: ҳозирги кунда комсомолдаги «ҳокимият» асосан бошланғичларга берилиши керак дейилмоқда. Шундай экан, вилоят қўмиталарини сақлаб қолган ҳолда ноҳия ва шаҳар қўмиталарини тугатган ва тежалган маблағлар ҳамда штатлар ҳисобига бошланғичларни кенгайтирган ва кучайтирган маъқул эмасми!

Ҳурматли комсомол ходимлари, ушбулар юзасидан сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни, шунингдек ўз таклифларингизни кутамиз.



Тошкентдаги 22-болалар уйининг директори А. Хлебушкина учун ёшлар даврасида бўлиш ҳамиша мароқли. Ана шундай учрашувлардан бири Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида бўлиб ўтди.

СУРАТДА: А. Хлебушкина учрашув қатнашчилари даврасида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурати.

Биз—байналмилалчилармиз

ОКСАНА

— Ухласанг бўлмайдими, Оксана. Ярим кеча бўлди, — деди Любовь Владимировна столда алланарсаларни ёзаётган қизига.

— Сиз тинчгина ухлайверинг, онажон! Менинг ҳали қиладиган ишларим кўп...

Она қизини ортиқча қистамади. Секин бориб, ўрнига чўзилди. Ухлаб қолди.

Оксана дарсларини аллақачон тайёрлаб қўйган бўлса-да, уйқуси келмасди. У эртага бўладиган мактаб комсомоллари йиғилиши учун маъруза тайёрлаётган эди. Йиғилиш мактабда комсомолларнинг фанлардан ўзлаштиришига бағишланиши керак. Унда айни пайтдаги энг муҳим вазифа — байналмилал тарбия тўғрисида, илм даргоҳи ёшларининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил фикр юритилиши лозим. Оксана ана шулар ҳақида ўйларди. Мактаб комсомол-ёшларининг ўқув йилидаги режалари, уларни амалга ошириш йўллари, миллатлараро муносабатлар ҳақида фикр билдиради маърузасида.

Қиз маъруза матнини ёзиб бўлиб, уни яна қайта кўчирди. Кўнгли бироз таскин топди...

Эртаси куни мактаб комсомолларининг йиғилиши қизғин мунозаралар остида, жуда қизиқарли ўтди. Йиғилиш иштирокчилари, айниқса, мактаб ўқувчилари комсомол ташкилотининг котиби Оксана Алексееванинг маърузасини диққат билан тинглашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Оксана Алексеева Оқтош шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг 11-синфида аъло баҳоларда ўқийди. Шу билан бир қаторда илм даргоҳи ўқувчилар комсомол ташкилотининг котиби ҳамдир. Яқинда бўлиб ўтган комсомоллар ҳисобот-сайлов йиғилишида бу аълочи ва жамоатчи қизни мактаб комсомоллари иккинчи марта ўзларига етакчи этиб ва ноҳия комсомол ташкилотининг XXVII конференциясига делегатликка сайлашди. Ўз атрофига 28 нафар ёш ленинчини бирлаштирган ўқувчилар комсомол ташкилоти ҳозирги кунда маърифат масканининг энг авангард отрядларидан биридир.

Шуниси диққатга сазоворки, мазкур илм даргоҳида саккиз миллат фарзанди таълим-тарбия олишади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Байналмилал коллектив ўртасида соғлом маънавий муҳитни таъминлашда, ёшларнинг бир оила фарзандларидек яшаб, коммунистик таълим-тарбия олишида мактаб комсомол ташкилотининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Комсомоллар етакчиси Оксаналар оиласи ҳам байналмилал оила. Унинг онаси Любовь Владимировна немис аёли, отаси Валерий Петрович эса рус фарзандидир. Ўзбек Ойбек Расулов корейс қизи Лида Цой, қрим-татар қизи Инна Абдракова, Гулзор Бердиева ва Венера Азизова, қорақалпоқ фарзанди Дилбар Жаппаровалар комсомол ташкилий ишларида авангардлик намуналарини кўрсатишаётир.

Масалан, Гулзор Бердиева ва Инна Абдраковалар «Комсомол ҳақиқати»-«Комсомольская правда» деворий газетасининг таҳрир ҳайъати аъзоларидир. Ойига бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқариладиган бу деворий газетанинг ўқимишли ва жозибали бўлиши, ундаги материалларнинг ранг-баранглигини таъминлаш ҳамиша Г. Бердиева ва И. Абдраковаларнинг эътиборида. Шу туфайли бу қуйи матбуотнинг ҳар бир сонини ўқувчилар орзиқиб кутишади. Негаки, унда аълочи комсомолларнинг ибратли фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади, қолоқ ўқувчилар сатира «тиғи» остига олинади.

«Ёш ўлкашунослар» отряди бевосита комсомоллар фаоллигида фаолият кўрсатаётир. Отряд етти йўналишда иш олиб боради. Бу отрядга 20 га яқин ўғил-қиз аъзо.

Оксана мазкур отряднинг «Санъат — халқникидир» деб номланган йўналиши қатнашчисидир. Ўтган йили у ўзи қатнашаётган йўналишга «Замондошимиз» деган мавзуда маъруза тайёрлади. Ана шу мавзу юзасидан Оксана Бухоро шаҳрида ўтказилган «Ёш ўлкашунослар» конкурсида қатнашди. У ўз маърузасида маҳаллий шоир, қрим-татар тилида ижод қилувчи Шукри Аппозовнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти ва ижоди ҳақида тушунча берди. Унинг маърузаси жюри ҳайъати томонидан яхши баҳоланди. Конкурсда иккинчи ўринни олди.

Ўқитувчи Нафиса Амирова раҳбарлик қилаётган мактаб байналмилал дўстлик клубининг бугунги кунда 30 нафарга яқин аъзоси бор. Уларнинг аксарияти комсомоллардир.

Байналмилал дўстлик клуби аъзолари айни пайтда Иттифоқимизнинг деярли барча жумҳуриятлари, шунингдек, қатор хорижий мамлакатлар ёшлари билан хат ёзишиб турубдилар.

Р. ХУДОЙҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти.

ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ТЎҚНАШУВ

Тун. Соат икки яримларда Совет Армияси сафига чақирилувчи ўсмир М. Холбеков Янгийўл районида «ВАЗ-21013» маркали «У 1359 ТШ» номерли енгил машинасини бошқариб бораётиб, тўсиғи тушириб қўйилган темир йўлнинг ўтиш жойига қараб юрди. У агар озгина сабр қилиб турганида поезд ўтиб кетган, фожиа ҳам юз бермаган бўларди. «Фалокат оёқ остида» дейдилар. Афсуски, шошқалоқлик қимматга тушди. Катта тезликда келаётган поезд машинани уриб юборди. Оқибатда машинадагилардан «Интернационал» колхози аъзоси Ш. Хонкелдиев, 8-механизациялашган кўчма колонна ишчиси Э. Эшқуловлар воқеа рўй берган жойнинг ўзидаёқ ҳаётдан кўз юмдилар. М. Холбеков ҳамда Тошкентдаги электротехника техникуми толиби Б. Мамажоновлар касалхонада вафот этдилар.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Жумҳурият ички ишлари нозирлигининг матбуот маркази ходими, милиция капитани.

Туғилиш ортиб бормоқда

● ДАККА. Бангладешда ҳар минутда ўртача 7 бола оламга келмоқда. Ҳар куни эса мамлакат аҳолиси 10 минг кишига кўпаймоқда. Республика президенти Хусайн Муҳаммад Эршод Нуфус куни нишонланиши муносабати билан нутқ сўзлаб, ана шу маълумотларни тилга олди. Президент бу мамлакат учун демографик ўсиш хавфи борлигини таъқидлаб ўтди, дарҳақиқат, Бангладеш аҳолиси 115 миллион кишига етган.

Аҳолининг тез ўсиб бориш тенденцияси Бангладешни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан кўрилаётган барча куч-ғайратларни чиппакка чиқариши мумкин, деб таъкидлади президент. Худди шу боисдан ҳам Нуфус муаммоси мамлакат учун бош муаммодир. Миллатнинг омон қолиши худди ана шу муаммони ҳал этишга боғлиқ. Ҳукумат аҳолининг ўсиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кўрмоқда. Агар 1985 йилда бу кўрсаткич 3,7 фоиз бўлса, ҳозир 2,2 фоизга тушди. Шунга қарамай, туғилишни камайтириш программаси тўла бажарилмаяпти. Бу эса мамлакат раҳбариятини ҳам, социолог олимлар ва иқтисодчиларни ҳам ташвишлантирмоқда, уларнинг фикрича, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт вазифаларини амалга оширишни ўйлаб аҳолининг кўпайишини назорат қилиш зарур.

(ТАСС).

Хориждан хабарлар


ВАНУНУ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

ЛОНДОН. (ТАСС). Янги фильмда жуда ҳам қалтис ҳаракат қилган бир йигитнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. У маънавий-ахлоқий принциплар учун курашиб, ўз ҳаётини хавф остига қўяди. Охир оқибатда уни ўғирлаб кетадилар ва қамоққа ташлайдилар... Сценарий муаллифи ва продюсер инглиз Ник Эванс Рейтер ахборот агентлигининг Австралиядаги мухбирига ўзининг бўлажак «Яширин қурол» бадиий фильмининг мазмунини шундай таърифлаб берди.

Фильм исроиллик физик олим, Негев саҳросидаги ядро илмий-тадқиқот марказининг собиқ ходими, Тель-Авивнинг ядровий сирлари ҳақидаги ҳақиқатни бутун дунёга жар солишга журъат этган, шу сабабли виждон бачдисига айланган Мордехай Ванунуга бағишланган. Уни Исроил контрразведкаси 1986 йилнинг сентябрь ойида Римнинг халқаро аэропортидан ўғирлаб кетган эди. 1988 йилнинг августида эса Ванунуни «давлатга хиёнат қилганлик ва жосуслик»да айблаб Қуддус округ судининг ҳукми билан 18 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этдилар.

Рейтер агентлигининг хабар қилишича, «Яширин қурол» фильми Британия, Австралия ва Америка компанияларининг биргаликда яратадиган асари ҳисобланади. Унинг телевидение учун, эҳтимолки кино учун яратилган нусхаси ҳам шу йилнинг биринчи ярмида Европада кўрсатиш учун тайёр бўлади. Фильм Лондонда, Римда суратга олинди. Ҳозир эса бу иш Сиднейда давом эттирилмоқда. Бу шаҳарларнинг ҳаммаси Вануну ҳаётининг машаққатли кунлари билан боғланган. У 1985 йилда Исроил ядро марказидан бўшатилганидан кейин Австралияга келган эди.

Продюсер Ник Эванс фильм кўрсатилганидан кейин одамлар Вануну ҳаётининг ҳақиқий тарихи ва бу кишининг ахлоқий принциплари ҳақида ҳозиргига қараганда кўпроқ нарсани билиб оладилар, деб умид қилмоқда. Бироқ у ва мазкур фильмнинг бошқа ижодкорлари бу фильм «Вануну иши»да бирон нарсани ўзгартира олишига шубҳа билан қарамоқдалар. Вануну Исроилдаги Ашкелон шаҳри қамоқхонасининг бир кишилик қора хужрасида «биринчи рақамли давлат жиноятчиси» сифатида ҳамон азоб чекмоқда.



АҚШ миллий аэронавтика уюшмаси Калифорния штати политехника дорилфунуни студентлари томонидан яратилган вертолёт учувчи аппарат сифатида биринчи бор парвоз этганлигини расмий рўйхатга олганлигини маълум қилди. «Да Винчи III» деб аталган вертолёт 6,8 дақиқа мобайнида ер юзидан қарийб 50 сантиметр юқорига кўтарилди.

Учувчи аппаратнинг вазни 40 килограммни ташкил этади. Бу вертолёт талабаларнинг 1981 йилдан буён тайёрлаган тўртинчи модели ҳисобланади.

СУРАТДА: вертолётни парвозга тайёрлаш пайти.

АП—ТАСС телесурати.

Ранг-баранг олам

ЙИРТИҚ-ЯМОҚ МОДАГА КИРДИ

● ЛОНДОНда дайдилар кийими яна модага кирди. Жон Ғаллиано исмли мода устасининг маҳсулоти ташқи кўринишдан жуда ибтидоий: доғлар, синиқ тугмалар ва ямоқлар бу модага ўзига хос «кўрк» бағишлайди. Бундай модадаги устки кийимга шим ёки кўйлак каноп ип билан қўшиб сотилади. Каноп билан сочни боғлаш тавсия этилади. Қизиғи шундаки, ёқимсиз устбошнинг баҳоси... ҳар қалай арзонга берилмайди, дейилади, «ЭХО» (Булғория) газетасида.

«ҲАВО СОЛИ»

● ОЛИМЛАР тропик ўрмонлардаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини бутун борлиғи бўйича ўрганилган, деб ҳисоблашарди. Бироқ бундай эмас экан. Қадам етмаган жойлар ҳали бор экан, яъни ўрмонлардаги баланд дарахтларнинг энг юқори қисми. Тўғри, ҳар битта дарахтнинг устига чиқиб тадқиқот ишлари олиб бориш...

Худди шу масалани назарда тутиб француз архитектори Жил Эбрельсол ясаган «ҳаво соли» бу ишда жуда қўл келди. Дам солинган резинка қувурдан олти бурчакли шакл ясалган бўлиб, орасига сетка тортилган бу қурилма 600 квадрат метр жойни эгаллайди. «Сол» дирижабл ёрдамида ҳавога кўтарилади ва тропик ўрмонларнинг юқори қисмидаги жониворлар ҳаётини ўрганишга имкон яратади. Ундан биринчи марта ўтган йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Гвианда фойдаланилди. Тадқиқот ишида 50 га яқин олим қатнашди. Ботаниклар, шу кунгача номаълум бўлган ўсимликларни аниқлашди. Масалан, япроқсиз орхиделар. Бундан ташқари осмон қаърида ҳам, тўғрироғи дарахтларнинг юқори қисмида қурбақалар, калтакесаклар яшаши олимларни таажжубга солди. Шунингдек, фанда номаълум бўлган қушлар дунёси очилди. Олимларнинг гувоҳлик беришича, бир квадрат километрда 30 мингта парранда борлиги саналган.

ТЕГИРМОН ҚАНОТИДА

● ЯҚИНДА Голландиянинг Харлем шаҳрида тўрт нафар йигит тортишиб қолди: шамол тегирмони паррагида ким кўпроқ айланиш. Шундай қилиб тўрттовини ҳам тегирмоннинг тўртта паррагига маҳкам боғлашди ва тормозни очиб юборишди. Бахтга қарши шу куни қаттиқ шамол бўлаётганди, шу важдан паррак катта тезлик билан айлана бошлади. Уч минут ўтар-ўтмас икки йигитнинг аҳволи ёмонлашиб қолди, яна бир минутдан сўнг эса учинчи йигит узр сўраб бу ўйиндан чиқишини айтди. Тўртинчи йигит эса бемалол айланишда давом этаверди. У Гебрид оролидан келган, (турист) Роберт Бейли эди. «Ди вархайт» (Ғарбий Берлин) газетасида ёзишларича, Роберт паррак айланаётган пайтда қаттиқ ухлаб қолган.

Ранг-баранг олам

Нуқтаи назар

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ.

ҲАҚ СЎЗ ҚАДРИ

БИР КУНИ ТУШЛИКДА сомса егимиз келди. Уч ҳамкасб троллейбусга ўтириб, Тошкентдаги «Анҳор» кафесига бордик. Кўчадаги сомсалар одатда ҳар хил бўлади: бири сергўштроқ, иккинчисида пиёзи кўпроғу, гўшт камроқ. Лекин биз бу гал еган сомса антиқа экан: унда умуман гўшт йўқ, ичи тўла пиёз эди. Кўрмаган одам ишонмаслиги мумкин, лекин бу ҳақиқат. Шу куни биз сомса емадик, сомса — бизни еди. Кафе директорига мурожаат қилмоқчи бўлдик, у эса ишга келмаган экан. Таклиф ва шикоятлар дафтарини сўрадик. Уни ҳам топиб беришолмади. Ноилож ортимизга қайтдик. Йўл-йўлакай шаҳар умумий овқатланиш тармоқларидаги диёнатсизликлар ҳақида биримиз олиб, биримиз қўйиб гапириб келдик. Бу ҳақда редакциядаги кундалик йиғилишида ҳам сўз очилди, ошхоналар фаолияти ҳақида бирон-бир рейд мақола уюштиришни таклиф қилдик. Буни қарангки, икки кундан кейин худди ўша «Анҳор» кафеси хўрандаларидан шикоят келиб қолди.

Рейдга редакциянинг жамоатчи мухбирлари бўлган илғор ишчилар, зиёлилар жалб этилди. Пухта тайёргарлик ва ғоят даражада эҳтиёткорлик билан ўтказилган текширишдан сўнг «Ошхонадаги қаллоблар» сарлавҳали танқидий мақола 1982 йил 28 августда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида босилиб чиқди.

Бу пайтда Брежнев ҳаёт, турғунлик даврининг «музи» ҳали кўчмаганди. Мақола эълон қилинган куннинг эртасига редакцияга Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармасининг ўша пайтдаги бошлиғи Р. Ўрозбоев кириб келди. «Мени тамом қилибсизлар-ку!», деди у ўриндиққа ўтиришга улгурмай. Биз эса ундан умумий овқатланиш тармоқларидаги расвогарчиликларнинг сабабларини сўрадик. У киши ҳам тўлиб юрган экан, бор гапни ростгўйлик билан айта бошлади.

— Ишонасизларми, — деди у. — қўл остимдаги корхоналарда қирқ минг одам ишлайди. Лекин ҳатто энг кичик кафе ёки ошхонанинг бошлиғини ҳам ўзимча ишдан бўшатолмайман. Агар бўшатгудай бўлсам, эртаси куниёқ қўнғироқлар бошланади. Ишга ҳатто Марказий Комитет ходимлари ҳам аралашишади. Ростини айтсам, ҳар бир савдо нуқтасининг норасмий «шеф»лари бор. Улар ҳамиша менинг мустақил ҳаракат қилишимга ҳалақит қилишади. Ўша «шеф»ларнинг тўй-маракаси бўлса, бизнинг ходимлар «қамишдан бел боғлаб» хизмат қилишади...

Орадан бироз вақт ўтгач, шаҳарда нон савдоси аҳволини ўрганиш бўйича текшириш ўтказдик. Рейдга шаҳар халқ контроли комитетидан, савдо инспекциясидан, савдо министрлигининг маҳсулот сифати инспекциясидан, хуллас, бу ишга озми-кўпми дахли бўлган барча ташкилотлардан одамлар жалб қилдик. Уч кун давом этган рейдга мен бошчилик қилдим. Маҳсулот нон заводидан чиқиб, харидорнинг қўлига етгунча бўлган бутун жараённи назоратдан ўтказдик. 120 магазинда олди-сотди қилдик, 70 марта ҳақимиздан уриб қолишди. Савдо ходимлари 10 тийиндан 35 тийингача фойдаларига «адашишди». Қизиғи шундаки, савдо қоидасини бузиш ҳоллари асосан биринчи куни аниқланди. Эртаси куни эса бу ҳодиса кескин камайди. Учинчи куни, деярли, ҳеч қандай қоидага хилоф ишлар аниқланмади. Шунда бир нарса менинг эътиборимни тортди. Харидор ҳақидан уриб қолиш ҳоллари аниқланиб, акт тузаётганимизда дарров магазин мудирлари ўртага тушиб, ёлвора бошлашарди, «келишишни», ишни бир гап ёпди-ёпди қилиб кетишни илтимос қилишарди. Шунда ёнимдагилар — савдо қонун-қоидаларига риоя қилиш учун кураш олиб бориш бевосита бурчи бўлган кишилар илтимосга мойил бўлгандек бўлиб, менга мўлтираб қарашарди...

Турғунлик йилларида газетада ишлаган пайтларимда шунга ўхшаш анчагина воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Шуларнинг таъсирида каминада жамиятда бир қатлам юзага келди, у халқни талаш, тараққиёт йўлини тўсиш билан шуғулланаяпти, Брежневнинг «ривожланган социализми» суви оқмайдиган ҳовуздай кўкариб, сасий бошлаяпти, деган фикр пайдо бўлганди. Ҳозир бу қатламни боши билан думининг оралиғи қанчалиги номаълум бўлган, ўта бесўнақай бюрократлашган аппарат ёки «идоравий монополия», деб аташаяпти. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов бу ҳақда фикр юритиб шундай деди: **«Биз бўлмағур ютуқларимизни ақлсизларча кўпиртириб пропаганда қилганимиз ва ижтимоий жиззакилигимиз натижасида жаҳондаги энг илғор куч ҳам, энг прогрессив тузум ҳам бизники, деб даъво қилаверганимиз туфайли афсонавий маҳлуқ дунёга келди; унга биз «идоравий монополия» деб ном беришимиз мумкин. Назаримда, бундай хулосани тарихий, ижтимоий, илмий жиҳатдан ниҳоятда синчковлик билан анализ қилишимиз даркор; шундагина бунинг нечоғлиқ хавфли эканини ва у ҳозир нечоғлиқ зўр реакцион қудратга эга эканини ҳис қилишимиз, кўришимиз, имон келтиришимиз мумкин».**

Ҳозирги бутун қайта қуриш сиёсати бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулининг меваси бўлган мана шу «афсонавий маҳлуқ»нинг қаршилигини синдиришга қаратилаяпти. Аммо эскилик янгиликка осонликча йўл бермаслигини бугунги ҳаёт кўрсатаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йилги март Пленуми аграр масала бўйича ленинча таълимотни қайта тиклади ва ижодий ривожлантирди. Унда қабул қилинган қарорлар иқтисодий муносабатларда туб ўзгаришлар ясашни, раҳбарликда маъмурий-буйруқбозлик усулларидан қатъий воз кечишни, қишлоқда фан-техника тараққиётини, социал ривожланишни кўзда тутади. Шу пленум қарорларига асосан қишлоқ хўжалигида оила пудрати ва ижарачилик усулига ўтиш, деҳқонни ернинг ҳақиқий соҳибига айлантириш сиёсати амалга оширилаяпти. Лекин бу иш жойларда осон кўчаётгани йўқ. Яқинда олдимга наманганлик бир ҳамкасб дўстим келди. Ундан вилоят колхоз ва совхозларида оила пудрати ва ижарачилик усулига ўтиш қандай бораётганлигини сўраб-суриштирдим.

— Раҳбарлар оғизда бу янгиликни маъқуллашаяпти, — деди у. — Аслида эса, унинг амалга ошувига пинҳона қаршилик кўрсатишаяпти.

— Нега?

— Сабаби, улар ерни ёки қорамолни ижарага берсалар, деҳқондан нари борса бир марта, у ҳам бўлса, ер ёки қорамол тақсимланаётганда пора олишлари мумкин. Агар иш эски усулда давом этса, хўжаликни йил бўйи «соғиб ичишлари» мумкин...

* * *

1980 ЙИЛ МАРТ ойида редакция юмуши билан Янгийўлдаги Ўрта Осиё машина синаш станциясида бўлгандим. Станция бошлиғи билан суҳбатлашиб ўтирганимизда, хонага ўрта бўйли, қотмадан келган бир киши кириб келди. Унинг қиёфаси таниш эди.

— Танишинглар, бу киши тажрибали синовчи-механизаторимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко бўладилар.

Шундан кейингина мен рўпарамдаги одамнинг қиёфаси менга газета ва журналлар, телевизор экрани орқали таниш эканлигини эсладим. Лекин кейинги пайтда у негадир ҳеч қаерда кўринмасди. Мен шундан гап очдим.

Мени қизиқтирган саволга станция бошлиғи жавоб берди:

— Бу киши тўғри сўзлик қиламан, деб дўкайларга ёмон кўриниб қолганлар.

— Э, гап буёқда денг, нима бўлувди?

— Бир куни мен республика Компартияси Марказий Комитетига чақиришди. Турсуной Охунова, Маннон Жалоловлар ҳам ўша ерда экан. Бизни Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби қабул қилди. У навбатдаги пахта йиғим-терим мавсуми бошланаётганлиги муносабати билан илғор механик-ҳайдовчилар номидан ёзилган жумҳуриятнинг барча механизаторларига мурожаатномани олдимизга қўйиб, танишиб чиқиб, имзо қўйишни буюрди. Мурожаатноманинг қисқача мазмуни шундай эди: бу йилги йиғим-терим мавсумининг алоҳида аҳамиятга эгалиги, уни қисқа муддатда ўтказиш учун техника воситаларидан самарали фойдаланиш қай даражада зарурлиги таъкидланиб, ҳар бир механизаторни зангори кемаларнинг унумли ишлашини таъминлаб, мавсумда минг тоннадан пахта теришга даъват этилганди. Мурожаатномани ўқиб чиқдик. Котиб фикримизни сўради.

— Бу ҳужжатда республика механизаторлари олдига бажариб бўлмайдиган вазифа қўйилибди, бунинг остига имзо қўёлмайман, — дедим.

Котиб сиз бунга нима дейсиз, дегандек Маннон Жалоловга қаради.

— Ҳаракат қилса, мавсумда минг тонна пахта териш мумкин. Мана, мен ўтган йили тердим-ку, — деди у. Бу фикрни Турсуной ҳам маъқуллади.

— Сен бўлмағур гапни гапирмагин, — дедим Жалоловга. — Сенинг қандай қилиб минг тонна пахта терганингни яхши биламан. Мактаб ўқувчилари дарсдан қолиб пахта теришади-да, кейин улар терган пахтани сенинг ҳисобингга ўтказишади.

Маннон сал қизарди, лекин сир бой бермай:

— Нега менга туҳмат қилаяпсиз? Минг тоннани ўз кучим билан терганман. Нима, мен машинада пахта тераётганимда тепамда қараб турганмидингиз?! — деди.

— Тепангда турмасам ҳам ҳаммаси менга аён. Мен пахта териш машиналарининг синовчисиман, уларнинг имкониятларини беш қўлдай биламан.

Суҳбатга Марказий Комитет котиби аралашди:

— Менга қаранг, ўртоқ Тюпко. Партия сизнинг иззат-ҳурматингизни жойига қўйиб, кўкрагингизга Олтин Юлдуз медалини тақиб қўйибди. Нега энди, унинг йўлига қарши чиқаяпсиз?!

— Тушунолмаяпман, мен партиянинг қайси йўлига қарши чиқибман?

— Биз мавсумда минг тоннадан пахта териш бўйича жумҳурият механизаторларининг социалистик мусобақасини ташкил этмоқчи бўлиб турибмиз. Сиз ҳозир шунга қарши чиқаяпсиз-ку!

— Мен сохта, таги пуч мусобақанинг эмас, ҳақиқий социалистик мусобақанинг тарафдориман.

— Сиз биз ўйлаган одам эмас экансиз!..

Шундан кейин менинг у ерда ўтиришимга ҳожат қолмади.

Эртаси Янгийўл ноҳия марказида қандайдир йиғин бор эди. Ўша йиғилишга бордим. Райком биноси олдида одамлар тўпланиб туришган экан. «Коммунизм» колхозининг раиси Маҳмуд Исматов мени узоқдан кўриб имлаб чақирди. У қўлида «Совет Ўзбекистони» газетасининг янги сонини ушлаб турарди.

— Валентин,— деди Маҳмуд ака мен билан салом-алик қилгач.—Мен сени эсли-ҳушли, бамаъни йигит деб ҳисоблайман. Сендан бир нарсани сўрамоқчиман: мухбирлар номингдан мақола ёзса, унга қўл қўйишдан аввал ўқиб, мағзини чақиб кўрасанми?

— Ўқиб кўраман.

— Ундай бўлса, нега мана бу Мурожаатнома остига имзо чекдинг?! Бу икки дунёда ҳам бўлмайдиган савдо-ку!

Маҳмуд ака қўлимга газетани тутқазди. Не кўз билан кўрайки, унинг биринчи бетида кеча мен Марказий Комитетда—ўқиган, лекин имзо чекмаганим Мурожаатнома йирик ҳарфлар билан босилганди, остида менинг фамилиям ҳам турарди. Мен ёнимдагиларга кеча бўлган воқеани гапириб бердим. Лекин улар сўзларимга ишонқирашмади.

Шундан бери менинг олдимга журналист зоти келмайди. Менинг ҳам улар билан учрашишга унча иштиёқим йўқ. Фақир киши панада, деб эски вазифамни бажариб юрибман.

* * *

1959 ЙИЛНИНГ баҳорида республика журналистларининг биринчи таъсис съезди бўлганди. «Баҳор» концерт залида ўтган бу съездда мен Тошкент вилояти Қорасув ноҳияси газетаси «Ленин йўли»нинг штатсиз мухбири сифатида қатнашганман. Мазкур анжуманда жумҳурият раҳбарларининг деярли ҳаммаси қатнашган, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудири ўринбосари Романов (исми ёдимдан кўтарилди) катта нутқ сўзлаб, жумҳурият газета ва журналларида босилаётган материалларнинг бадиий-сиёсий савияси, мавзулари хусусида анча батафсил гапирган. **Бу қандай гап, — деганди у,—республиканинг қайси газета ва журналини варақласангиз Турсуной Охунованинг расмига, у ҳақда ёзилган мақола ёки очеркка кўзингиз тушади. Нима, жумҳурият журналистларига Турсуной Охуновадан бўлак (нотиқнинг Турсуной дейишга тили келишмай, Тарсаной дегани ҳам ёдимда) механизатор, ундан бўлак меҳнат қаҳрамони топилмай қолдими! Ахир ҳар бир киши ҳақида ёзишнинг маълум меъёри бўлиши керак. Бундай қилавериш у сингари бошқа меҳнаткашларнинг ғашини келтириши, иззат-нафсига тегиши мумкин-ку**

Съезд ҳам тугади. Лекин Турсуной Охунованинг таниш қиёфаси яна газета ва журналларда, телевизор экранларида тез-тез пайдо бўлаверди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, матбуотда ёзувчи Александр Солженицинга қарши тарғиботчилик бошланганда ҳам Турсуной Охунованинг мақоласи берилган. У Солженицинннинг фамилияси ўзаги «лгать» (алдамоқ) сўзидан олинган, бундай фамилиялик ёзувчи ҳаққоний асар ёзиши мумкин эмас, деган мазмундаги гапни айтганди. Шунда мен «Иван Денисовичнинг бир куни» номли илк асари биланоқ жуда машҳур бўлиб кетган бу истеъдодли ёзувчининг асарини Турсуной Охунова жилла қуриса қўлига ушлаб кўрганмикан, деб ўйланиб қолгандим.

Жумҳурият матбуотида Турсуной Охунованинг механизаторлик фаолияти тўғрисида шов-шув гапларга зўр берилаётганда, бунинг сабаблари ҳақида бир қаламкаш сифатида мен ҳам ўйлаганман. Ҳатто бу ҳақда бир ҳурматли муҳаррирга савол ҳам берганман. У: **«Турсуной Охунова — Турсуной Охунова бўлгани учун эмас, балки сиёсат учун кўтар-кўтар қилинаяпти. Бундан кутилган мақсад эса ўзбек хотин-қизлари ўртасида механизаторлик касбига қизиқишни кучайтиришдир»,** деган.

Ушбу мақолани ёзиш учун қўлимга қалам олганимда бундан анча йиллар бурун айтилган мана шу фикр лоп этиб хаёлимга келди. Беихтиёр Катта Ўзбек Совет қомусини қўлимга олиб, қирқ олти ёшида ўпка раки туфайли вафот этган бу машҳур аёл ҳақидаги маълумотга кўз югуртирдим. **«Охунова Турсуной (1937 йилда Тошкент область Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоғида туғилган) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» (1959 й.), 1962 йилдан КПСС аъзоси... Тошкент область, Чиноз районидаги Киров номли колхозда колхозчи (1949-52 й. й.), «Пахта» МТСида механизатор. Яна Киров колхозда комплекс механизациялашган трактор, далачилик бригадаси бошлиғи ва механик-ҳайдовчи (1960 йилдан). Хотин-қизлар орасида механик-ҳайдовчилик касбини эгаллаш учун бошланган оммавий ҳаракатнинг ташаббускори... Вертикал шпинделли пахта териш машинасини ишлаб чиқаришга жорий этишдаги хизматлари учун Ленин мукофоти лауреати (1967 й)».** Қомусдаги бу маълумотда фақат бир далил қайд этилмаган. Турсуной Охунова ўлимидан икки-уч йил аввал иккинчи қаҳрамонлик Олтин юлдузига сазовор бўлганди.

Дарҳақиқат, кейинги 30-40 йил мобайнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида Турсунойдек довруқли одам бўлмаган. 60-йилларда жумҳуриятда хотин-қизларни механизаторлик касбига жалб этиш бўйича олиб борилган сиёсат оддий ўзбек оиласида ўсиб, вояга етган шу аёл номи билан боғланиб, «турсунойчилик ҳаракати» деб аталганди. Ўз даврида бу аёл ҳақида ёзувчилар китоблар, шоирлар қўшиқлар ёзишди. Ўзбек хонадонида қиз туғилса исмини Турсуной қўйиш расм бўлди...

Маълумки, сиёсат ўзгартирувчи куч бўла олиши учун жамиятнинг моддий ҳаёти ривожининг эҳтиёжларини тўғри акс эттирмоғи лозим. Халқнинг туб манфаатларидан келиб чиқмаган, жамият тараққиётининг объектив эҳтиёжларига зид равишда тузилган сиёсат ҳар қандай ташкилотчилик ва мафкура иши билан узвий равишда боғлаб олиб борилмасин ҳеч бир истиқболга эга бўлмайди. Яқин ўтмишимиздаги турсунойчилик ҳаракати ҳам халқнинг туб манфаатларига зид бўлган, калтабинларча сиёсат эди. Шунинг учун ҳам унинг истиқболи бўлмади, фойдасидан зарари кўп бўлди.

Тўғри, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам мамлакатда хотин-қизларни механизаторлик касбини эгаллашга даъват бўлган. Лекин бу иложсизликдан қилинганди, ўша пайтда йигитларнинг асосий қисми фронтларда жанг қилишаётганди, қишлоқ хўжалигидаги барча юмушлар аёллар, болалар, қари-қартангларга қолганди. 60-йилларда эса вазият бошқача эди. Тўғри, бу пайтда ҳам йигитлар колхоз ва совхозлардан кетиб қолишаётганди, далалардаги оғир меҳнат хотин-қизлар ва ўқувчилар зиммасига тушаётганди. Лекин бу пайтда йигитлар фронтга эмас, завод ва фабрикаларга, қурилишларга кетишар ёки олди-сотди билан шуғулланишни одат қилишарди. Ёнида қишлоқ хўжалик институти, техникумини битирганлик ҳақидаги дипломи билан газ сув, сомса сотаётган, ошхоналарда таъминотчи бўлиб ишлаётган азаматлар кўпайди. Нега шундай бўлди? Сабаби, пахтага тўланадиган ҳақ билан тирикчилик қилиш оғир бўлиб қолди. Биз эса бу хатони тузатиш, техникани йигитлар қўлига топшириш ўрнига хотин-қизларимизни илгаридан ҳам оғирроқ меҳнатга жалб этиш сиёсатини юргиздик.

Худди танкдай қўпол пахта териш машинасини кун бўйи бошқариш қўлда етмиш-саксон килограмм пахта теришдан осон, деб ким айта олади? Бундай меҳнат ҳар қандай бақувват организмни ҳам ишдан чиқариши мумкин. Аёл организми эса минг-минг йиллик эволюция давомида енгил ишларга мослашган, оиладаги оғир ишларни бажариш ўзбекларда эркакларнинг вазифаси ҳисобланган.

— Марказий газета ва журналларда аёлларни ғалла ўрадиган комбайн ҳайдовчилиги касбини ўрганишга даъват этувчи мақолаларни ҳеч ўқиганмисиз? — дейди Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги акушерлик ва гинекология институти лаборатория мудири, медицина фанлари номзоди Галина Ҳожибоева. — Ахир, ғалла ўрадиган «Нива» комбайни бизнинг пахта терадиган машиналаримизга қараганда қулай, ғаллазорларга пестицидлар пахтазорга нисбатан бир неча баравар кам сепилади-да! Тебранишнинг аёл организмига зарари медицинага аллақачоноқ маълум. Шу боис Италияда аёл кишининг ҳатто трамвай ҳайдовчилик касбида ишлаши ҳам қонун йўли билан тақиқланган. Биз эса кўп йиллар давомида тескари сиёсат юргизиб, ўзбек хотин-қизларини пахта териш комбайни ҳайдовчиси касбини эгаллашга даъват этиб келдик.

Пахта териш комбайнларидаги кабиналар илгари ҳам, ҳозир ҳам аёл меҳнатига қўйиладиган эргономик талаблар ҳисобга олинмай тайёрланмоқда. Бундан ташқари, бу машиналардаги тебранишнинг юқорилиги аёлларга хос касаллар пайдо бўлиш эҳтимолини кучайтиради. Пахта териш комбайнларини бошқариш ҳозир жумҳурият қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилаётган пестицидлар таъсирида ишлаш билан боғлиққи, бу ўз навбатида аёлларнинг бола туғиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳомиладор аёллар меҳнатига қўйиладиган талаб бўйича, аёл узлуксиз юк кўтарганда, юкнинг ўртача оғирлиги 1,2 килограммдан ортмаслиги лозим. Пахта териш комбайнлари ричагларини тортиш учун сарфланадиган куч эса ҳомиладор аёллар меҳнатига қўйиладиган тиббий талаблардан бир неча баравар юқоридир.

Мени ҳомиладор пахтакор аёлларнинг тақдири ҳам ғоят ташвишлантиради, наинки, бизда ҳомиладор пахтакор аёлларни енгил ишга ўтказиш ҳақидаги қоида ҳозиргача ҳам йўқ, пахтазорларда эса улар меҳнатидан фойдаланиш давом этмоқда. Улар пестицидлар таъсирида ишлаб, кун бўйи белга этак боғлаб пахта теришга, бетиним эгилиб букилишга мажбур бўлаяптилар. Бу омиллар ҳеч сўзсиз аёлнинг ҳам, у туғадиган боланинг ҳам соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Жумҳуриятдаги хотин-қизларнинг асосий қисми пахтачиликда банд эканлигини ҳисобга олиб, ҳомиладор пахтакор аёлларни, худди халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бўлгани сингари, ўртача иш ҳақларини сақлаган ҳолда нисбатан енгил ишларга ўтказиш масаласини қонунчилик йўли билан дарҳол ҳал этиш лозим, деб ҳисоблайман.

Менимча, пахта териш комбайнларида ишлаш хотин-қизлар иши эмас, кўпроқ эркакнинг ишидир, чунки бу оғир меҳнат бўлиб, аёлнинг соғлиғига зарар етказишдан ташқари, уни дағаллаштиради, ундаги иффатни йўққа чиқаради. Шунинг учун механизаторлик қилаётган аёлларнинг барчасини бошқа, ўзига мос ишларга ўтказиш керак.

Турғунлик давридаги хато сиёсат туфайли оғир аҳволга тушиб қолган аёлларимизни ўйлаганда ва минг-минглаб йигитларимиз сабаби тирикчилик пахтазорларни тарк этиб, ўзларига номуносиб ишлар билан шуғулланиб юришганини кўрганингда, Ф. Энгельс бундан юз йил аввал «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» асарида ёзган қуйидаги сўзлар ёдга тушади: **«...Эркак эркаклик вазифасини ўтолмайдиган, аёл эса ўз иффатидан маҳрум бўлган, эркакка чинакам аёллик латофатини, аёлга эса чинакам эркаклик шижоатини бахш этолмайдиган аҳвол, ҳар икки жинсни шармандаларча ерга урадиган ва уларнинг ҳар биридаги инсонлик қадр-қимматини йўққа чиқарадиган аҳвол — бундай аҳвол бизнинг мақталган цивилизациямизнинг пировард натижасидир, юзлаб авлодлар томонидан ўз турмушини ва авлодлари турмушини яхшилаш учун қилинган саъй-ҳаракатнинг сўнгги натижасидир».**

Мана, ҳозир Турсунойдай табиатдан соғлом, дуркун ўзбек аёлининг қирқ олти ёшида ўпка ракига чалиниб, бевақт ўлиб кетиши у ишлаган дефолиантли далалар, техника шовқини, чанг, бензин, қорамой ҳиди таъсири эмас, деб айтишга ким журъат қила олади?

*

1988 ЙИЛ декабрь ойида жумҳурият Фанлар академиясида Ўзбекистондаги экологик вазият муносабати билан ер-сув бойликларининг ҳолати ва улардан омилкорлик билан фойдаланишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда қизғин мунозара бўлди. Нотиқлар жумҳуриятдаги оғир экологик аҳвол, Орол ҳалокати тўғрисида куйиниб гапирдилар, бу ишнинг айбдори бўлган ташкилотларни ошкора танқид қилдилар. Бир маҳал мунозара қизғин давом этаётганда бир академик минбарга кўтарилдида, шундай деди: **Ўртоқлар, бир-биримизга таъна тошини отишни бас қилайлик. Агар Орол ҳалокатининг асосий айбдори қидириладиган бўлса, бу — Лениндир. В. И. Ленин ўзининг Кавказ коммунистларига ёзган машҳур хатида суғоришнинг аҳамияти ҳақида гапириб, «Ҳаммадан ҳам суғориш иши зарурдир ва бу ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди», деган. Биз етмиш йил доҳийнинг мана шу сўзларига амал қилиб, Оролни шу аҳволга солиб қўйдик,** деди.

Йиғилишда сўзлашни истовчилар кўп бўлиб, каминага навбат тегмади. Агар навбат текканида ўша академикка айтадиган гапларим бор эди. Тўғри, Ленин суғоришни ривожлантиришнинг аҳамиятини таъкидлаган. Лекин у денгизнинг қуригунча чўлларни ўзлаштириш билан шуғуллангин, деб айтмаган-ку! Яхшиям, бу ишнинг салбий томони тарихан қисқа даврда билиниб қолди. Акс ҳолда ҳамон чўл қувлашга зўр бераётган бўлармидик.

Агар В. И. Ленин суғоришнинг аҳамияти ҳақида гапирган бўлса, табиатни кўз қорачиғидай асраш тўғрисида ҳам кўп яхши фикрлар қолдирган. Ҳукуматимизнинг доҳий қаламига мансуб бўлган, ўрмон, ҳайвонот дунёсидан омилкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича дастлабки қонунлари, декретларида табиатга нисбатан илмий муносабат ўз аксини топган. Уларда табиатнинг яхлит организмлиги, таъсирчанлигини ҳисобга олмай иш тутиш қандай кўнгилсиз натижаларга олиб келиши башорат қилинган. В. И. Ленин 1917 йил 20 ноябрда Бутун Россия халқига мурожаат қилиб, одамларга риск-насиба берадиган ерни кўз қорачиғидай асрашга чақирган. Умуман В. И. Лениннинг табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган 100 га яқин ҳужжатга имзо чеккани маълум. Доҳий Горкидаги бир туп арчани бесабаб кестирганлиги учун санаторий директорини жазолашни талаб қилган. Ваҳоланки, Горкида минглаб туп арча бор.

Мен ҳурматли академикнинг ўша гапини эшитганимда беихтиёр биз Ленинни қандай тушуниб, қандай талқин қилишимиз ҳақида ўйладим. Сталин ўзини Лениннинг энг содиқатли шогирди ҳисобларди. Хрущёвни эса одамлар Сталин хатоларини тўғрилашдан ташқари, Ленин ишининг муносиб давомчиси эканлигини исботлади, деб мақташди. Брежневни эса Лениндан кейинги энг буюк давлат бошлиғи, деб кўкларга кўтаришди. Бу кишиларнинг ҳаммаси ўз нутқларида Лениндан цитата келтиришни яхши кўришарди, партиямиз ленинчасига иш юритаяпти, деб жамоатчиликни ишонтиришга ҳаракат қилишарди. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг етмиш йиллик тарихида тўғри ишларга нисбатан нотўғри ишлар, мақтансак арзийдиган ютуқларимизга нисбатан камчиликларимиз кўпроқ бўлган экан. Буни ҳозир рўй-рост тан олаяпмиз.

В. И. Ленин вафот этганидан бери унинг таржимаи ҳоли уч марта нашр қилинди. Уларнинг биринчиси Сталин ҳаётлигида, иккинчиси Хрущёв даврида, учинчиси Брежнев даврида чоп этилган. Яқинда бир сабаб бўлиб бу китобларнинг учовини ҳам кўриб чиқдим. Шунда бир нарсага эътибор бердим: уч нашр бир-биридан кескин фарқ қиларди. Қизиқ, дедим мен шунда ўзимга-ўзим, нега бундай бўлиши керак? Ахир Ленин ягона-ку! У тирилиб, ўз таълимотини ўзгартиргани ёки ривожлантиргани йўқ-ку!

* * *

ЭНДИЛИКДА биз бундай хатоларимизни қанчалик тез тузатсак, шунча яхши бўлади, партия олдинга қўяётган қайта қуриш вазифалари шу қадар муваффақиятли ҳал этилади.



Истаган хоразмликнинг уйига борсангиз чинни идишлар серob бўлади. Юзлаб пиёла, чойнаклар навбат кутиб ётади. Нега?

Бу халқнинг қизиқ одати бор. Киши бошига алоҳида чойнакда чой, пиёла қўйилмаса, у ёшуллимас. Кўплар буни ўнғайсизликка йўйишади. Гўёки иззат-икром йўқ экан. Нотўғри фикр бу. Чанқовингиз босилавермагач, мезбонга пиёлани ҳадеб узатавериш маъқулми ёки ўзингизга кераги қуйиб симирганингизми? Албатта, кейингиси.

Боғот ноҳиясидаги Нариманов номидаги жамоа хўжалиги чинни олайлик. Уларнинг чинни буюмлар ишлаб чиқариш цехлари бор.

Суратчи А. ФИЛАТОВ ўша хўжаликда бўлиб, иш жараёни билан танишди.

ҲАДИК

Очиғи, Янги йил арафасида бизга тақдим этилган «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» газетасини кўриб, кўзларимга ишонмадим. Буни қарангки, Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программасида биз кўникиб қолган «Время» йўқ эди. Унга ажратилган вақт асосан ҳужжатли фильмларга берилганди. Шунинг ўзиданоқ, янгилик ташаббускорлари бу ишга ҳадиксираб қўл урганларини пайқаш мумкин эди.

Мамлакатимизда, қолаверса, бутун дунёда шиддатли равишда рўй бераётган воқеалар шууримизни тобора забт этаётган бир паллада шундай қарорга келингани ғалати эди, албатта. Лекин бу журъатни оқлайдиган сабабларни ҳам туйгандек бўлдим. Не-не машаққатлар билан қабул қилинган, эҳтимолки, жумҳуриятимиз аҳли учун ўтган йилнинг энг муҳим воқеаси — Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат мақомини олганлигининг мантиқий ифодаси шу эмасмикан, деб ўйлаб қолдим. У ҳолда...

«Бу гулшан соз эрур...» деб номланган музикали кўрсатув давом этарди. Соат миллари «Время» вақтига яқинлашган сайин нима бўларкин, дея қизиқиш билан кузата бошладим. Ана, соат тўққизу йигирма саккиз..., тўққизу йигирма тўққиз, тўққизу... ўттиз... Во ажабо, «ойнаи жаҳон»дан таралаётган куй-қўшиқ давом этарди.

Орадан уч ёки тўрт минут ўтди, аниқ эсимда йўқ, чунки энди соатга қарамай қўйган эдим, тўсатдан... ҳеч қандай огоҳлантиришсиз кўз ўнгимизда «Время» пайдо бўлди. Биров юзимга шапалоқ тортиб юборди, гўё. Яна биров ҳолимни кўриб, юмалаб-юмалаб кулди... Алданиб қолгандек бўлдим.

Эртасига, январнинг иккинчисида муштарийларимизнинг безорижон қилишлари ҳаммасидан ошиб тушди.

— Нима учун концертни узиб қўйишди?..

— Ўзи, сиз журналистларга ишониб бўлмай қолди. Гоҳ ундоқ дейсизлар, гоҳ...

Бу ўзгаришлар учун газета айбдор бўлмасада, масалага ойдинлик киритиш мақсадида, сўраб-суриштириб телевидениега, унинг ҳафталик программаси билан шуғулланувчи дирекциясига сим қоқдим. Йўқ, тушунмовчилик бўлмабди. Кўрсатма берилгани рост экан. Лекин ким томонидан, нега деган саволларга жавоб ололмадим. Масала «юқорида» синчиклаб кўриб чиқилаётганидан бўлак эпақали сўз эшитмадим.

Балки икки-уч йил муқаддам бунчалик таъсир этмасди. Аммо ҳозир... Бизни ўз сўзимизни баралла айтишга ўргата туриб, айни вақтда, мана бундай бебурдлик қилганликларини, ҳарқалай, қовун тушириш, деб биламан.

«Время»ни бир йўла тўрт программада кўрсатиш шунчалик зарурми? Телевидениедагилар аслида қатор жумҳуриятларда аллақачон босиб ўтилган йўлни қайта «кашф» этган эдилар, холос.

З. РИХСИЕВ,
«Ёш ленинчи» бўлим мудири.

Саломатлик клуби

Халқ табобати ва давр

Нега сариқ, асаб, қон босими, юрак, шамоллаш (жарроҳликдан бошқа) руҳий, бел ва бош оғриғи, толиқиш, бод касалликларини, чаён, илон чақишини оддий усул билан даволашнинг иложи йўқ. Албатта бор. Қадимда, тарихий манбаларда бундай ҳасталикларни халқ табобати йўли билан даволаганлар. Ҳозир жаҳон медицинаси бундай касалликларни Шарқ, жумладан Ўрта Осиё, Осиё мамлакатлари халқ табобатчилигидан ўрганишяпти.

Буюк табиб Ибн Сино юзлаб касалликларни оддий усул билан, шунингдек гиёҳлар билан даволаганлиги жаҳон медицинасига маълум. Илгарилари қишлоқларда илон чаққан кишини бахшилар, морзоблар бутун овоз оҳанги билан хаста эътибори, вужудини ўзига жалб қилиш ва унга руҳий таъсир этиш билан даволаганлар. Ёки синган, чиққан суякни ўз ҳолатига келтириш, болаларнинг ҳароратини туширишда ҳам ана шундай табиблар жонга аро кирган. Биз эса яқин вақтларгача кўр-кўрона уларни динга йўғирдик, ишонмадик, ўрни келганда кўпларини қаматдик, ярамас иллат дея жар солдик. Уларнинг даволашини поймол қилдик. Айниқса турғунлик даврида медицинамиз халқ табобатчилигини батамом инкор этди.

Борди-ю, бир кишини илон чақса, дарров касалхонага олиб бориб ётқизиларди. Ҳастадан қандай илон чаққанлиги сўраларди. Медицинада қандай илон чаққан бўлса, ўша илон заҳрига қарши зардоб ишлатилади. Агар ўша илон заҳрига қарши зардоб топилмаса, оқибатда илон чаққан касал ё ўларди ёки бир умрга мажруҳ бўлиб қоларди. Касалхонада ўша зардоби топилган тақдирда ҳам бемор камида бир ярим, икки ой даволанишига тўғри келган. Халқ табобати эса узоғи билан бир соат давомида заҳарни чиқариб даволаган. Ҳозир эса бундай халқ табиблари узоқ қишлоқларда бармоқ билан санарли.

Биринчи навбатда халқ табибларини қадрлаш ва уларни сақлаш, улардан даволаш усулларини ўрганиш зарур. Бунинг фойдали томони шундаки, даволаш учун ҳеч қандай маблағ сарфланмайди. Даволаш узоқ чўзилмайди.

Ибн Сино болаларда шамоллаш, қабз бўлганида эшак сути билан даволаган. Ҳатто эшак сути билан қизамиқни даволаганлар. Яқин вақтлар ичида ҳам қариялардан бу ҳақда сўраганимда кўпчилиги эшак сути даво эканлигини айтишган. Чунки ҳайвонлар ичида эшак касал бўлмайди. Унинг организмида ҳар қандай касаллик микробларини қирадиган ва унга қарши бўлган антителалар мавжудлиги ветеринария ва медицинада исботланган.

Ноҳиямизга яқинда Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти профессори, медицина фанлари доктори Санъат Азизова, «Саодат» журнали муҳаррири ўринбосари Санъат Маҳмудова, Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкентдаги филиали илмий ходими Гулпошша Эргашхўжаевалар ташриф буюришди. Меҳмонлар хўжаликларда, корхоналарда бўлиб, учрашувлар ўтказишди.

Учрашувларнинг бири ноҳия марказий касалхонаси клубида ҳам ташкил этилди. Клубга беморлар (уларнинг кўпчилиги оналар эди), медицина ходимлари таклиф этилди. Профессор суҳбати тугаганидан сўнг меҳмонга даволанаётган оналардан кўплаб саволлар тушди. Шу жумладан эшак сути чинакам даво эканлиги, табиий эканлигини айтди, ҳатто учрашув қатнашчиларига, ўша ердаги медицина ходимларига такрор-такрор уқтирди.

Бундан беш йил муқаддам ноҳиямизга Самарқанддан ветеринария фанлари номзоди Яҳё Сафоев ишга келди. Ветеринариянинг мақсади: Хитанг бағрида эшакчилик фермасини ташкил этишни кўзда тутган экан. Эшитиб олим билан яқиндан танишдим. Нима мақсадда эшакчилик фермаси ташкил этишини сўрадим.

— Бир неча бор шу фермани ташкил этиш тўғрисида маҳаллий партия ва совет ташкилотлари раҳбарларига маслаҳат солдим. Раҳбарлар устимдан кулишди. Агар улар амалий ёрдам беришганида бу ферма иттифоқимизда ягона бўлиб қоларди. Минг афсуслар бўлсинки, уларнинг ўзгина эътиборда эди... Жаҳон медицинасида қутиришга қарши вакцина, зардобни фақат хўжаликнинг миясидан олиб тайёрланади. Кейинчалик тажрибалар шуни кўрсатдики, бу жонивор касал бўлмайди. Қутириш касаллигига қарши эшак миясидан олинадиган зардоб хўжаликка нисбатан ўн баробар самара бериши исботланган. Тоза ем бериб боқилган эшакнинг сутини олиб хасталарни даволаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу билан биз қанчадан-қанча маблағ тежаган, мингдан қўйларни асраб қолган бўлур эдик. Чунки миясидан зардоб олинган қўйларнинг гўштини истеъмол қилиш қатъиян ман этилади.

Минг афсуски, маҳаллий раҳбарларимиз бу эзгу ишга панжа орасидан қараши, ветеринарни масхара қилганлиги оқибатида эшакчилик фермаси ташкил этилмади. Аммо Яҳё ака Сафоев вақтинчалик бўлса ҳам биячиликни ташкил этиб, қимиз тайёрлаш цехини очди. Бир ярим йилча ўша ерда тайёрланган қимиз болалар боғчалари ва касалхоналарига бериб турилди. Шифобахш қимиз ҳатто арзон нархда сотувга ҳам чиқарилди. Хайрли ишга эътиборсизлик туфайли Яҳё ака Сафоев кетиб қолди. Бор бўлган биячилик ҳам тарқатиб юборилди. Қимиз цехи барбод бўлди.

Катта шаҳарларда касалликларни уқалаш (массаж) билан даволаш учун алоҳида марказлар, пункт ва поликлиникалар мавжуд. Лекин қишлоқ жойларда, ҳатто ноҳия марказий касалхоналарида муолажачилар йўқ ҳисоби. Буни ташкил этишнинг ҳеч қандай мураккаб томони йўқку. Фақат ҳаракат қилиш керак. Қишлоқ медпунктлари, участка касалхоналарида массаж кабинетларини нега очиш мумкин эмас? Агар биз шундай кишиларни кўпроқ тайёрласак, дорисиз кўплаб касалликларни даволашнинг ижобий натижаларини аниқ.

Агар қишлоқ ва ноҳия марказидаги дорихоналарни кўздан кечирсангиз гиёҳ дармонларнинг бошлиб ётганлигининг гувоҳи бўласиз. Нега врачларимиз дори таблеткалари, укол ўрнига ушбу гиёҳларни беморларга тавсия этишмайди? Тан олишимиз керакки, ҳозирги шифокорларимиз касалликни даволашда гиёҳлардан фойдаланишни билишмайди. Бундан ташқари ҳовлимиз, дала-қирларда энг зарур доривор гиёҳлар борлиги ёдимизга ҳам келмайди. Оёғимиз остида шифобахш гиёҳлар ётганлигини сезмаймиз. Хасталикни даволашда хитойликлар, вьетнамликлар, тибетликлар, ҳиндистонликлар, мўғуллар 80—85 фоиз фақат гиёҳдан фойдаланишади. Бизда ҳам қадимда халқимиз табобатчиликда гиёҳдан кенг фойдаланганлиги маълум. Йиллар ўтиши, ўтказилган тазйиқлар туфайли жумҳуриятимизда гиёҳдан фойдаланиш унутилди. Медицина институтларида фақат гиёҳлар билан даволовчи мутахассисларни тайёрловчи факультет очишнинг ҳеч қандай мураккаб томони йўқ. Ҳозир айни пайти келди. Шунингдек, қишлоқ, ноҳия касалхоналарида шундай махсус бўлимлар, кабинетлар очилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозир табиатимиз ҳам, еримиз ҳам, одамлар ва жонзотлар ҳам ҳавонинг ифлосланиши натижасида заҳарланган. Унинг устига шифокорларимиз касалликни дори билан даволашга суяниб қолишган. Ҳозирги пайтда фойдаси бўлган дори ҳам заҳарланган организм учун қўшимча заҳардир. Истаймизми, истамаймизми, буни инкор этиб бўлмайди.

Айтингчи, қон босими юқори бўлган кишиларни, юрак касалликлари билан оғриган беморни қўл мева, сабзавот, табиий мева шарбатлари билан даволашнинг наҳотки қийинчилик томонлари бўлса? Ҳамма даволаш муассасаларида ўз уйида ана шу усул билан даволаш учун имконият мавжуд ва етарли. Биз даволашнинг шу йўлларини била туриб, ўзимизни дори билан заҳарлаяпмиз. Соғлиқни сақлаш министрлиги, мутасадди раҳбарларнинг бу соҳага озгина амалий ёрдами бўлса халқимиз саломатлигини ана шу усуллари билан тўла тиклаган бўламиз.

Ўтган йили Тошкентда чиланзам халқ табиблари, фолбин, экстросенсларга ва гипноз йўли билан касалликларни даволовчиларнинг маркази ташкил этилди. Бундан хурсанд бўлиш керак. Уни ривожлантириш зарур. Бундай марказ ёки уюшмаларни ноҳия клиникалари қошида ҳам ташкил қилиш албатта зарур ва лозим. Ўша халқ табиблари бирордаги медицина ходимлари билан бамаслаҳат иш олиб борсалар ҳар томонлама фойдали бўлиши аниқ.

Тўғри, яна бир нарсани айтиб ўтмасдан иложим йўқ. Орамизда халқ табобатчилиги йўли билан даволамоқчи бўлган қаллоб фолбин, турли доришунос табиблар кўпайиб кетди. Бундай шахслар ҳеч қаерда ишламасдан халқни кўр-кўрона, лақиллатиб, одамларнинг ҳалол меҳнати эвазига йиққан пулларини бошқа бойликларни шилишмоқда. Бундай қаллоб ва фирибгарларга нисбатан беаёв кураш олиб бориш керак. Ҳақиқий халқ табибининг қобилияти ҳисобга олиниб, ўрганилиб, уларни қўллаб-қувватлаш, хасталарни даволашда юқорида айтиб ўтилган уюшма ёки марказдан даволашга рухсатнома берилса... Рухсатномаси бор табиблар учун ўрни келганда ҳатто қишлоқ медпунктлари қошида алоҳида кабинетлар очиб берилса, нур устига аъло нур бўларди.

Сексологик тарбияга қадимдан бери ҳатто Шарқда, Ўрта Осиёда қаттиқ амал қилинган. Сўнгги йилларда бундай оилавий кўйди-чиқдилар, турмушнинг бузилиш ҳоллари ҳаддан ташқари ошиб кетди. Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги турли таносил касалларни, фарзандсизлик, жинсий камчиликлар оқибатида ана шундай ҳаётий фожиаларга дуч келаётир.

Бунинг сабаби ёшларимиз, очиғини айтганда, сексолог тарбияни билмаслигимиздадир деб ўйлайман. Ғарбда эса бу тарбияни фақат шаҳвоний ҳирсни қондириш, дақиқалик лаззатланиш, деб тушунишади. Шунинг учунки, қонида фоҳишабозлик авж олиб кетди. Ниҳоят унинг касри туфайли XX аср вабоси — СПИД касаллиги келиб чиқди.

Сексологик тарбия оилавий тарбия учун жуда муҳимдир. Унга амал қилинса оилавий ажралишлар, фарзандсизлик, фоҳишабозликнинг олди олинган бўларди. Бу ҳақда польшалик таниқли сексолог ва гинеколог Мари Вислоцкаянинг «Севиш санъати» рисоласи ҳозир рус тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилиш арафасида. Китобда сексологик тарбия ҳақида фақат ҳаётий лаззатланиш эмас, гигиена, поклик, соғлом турмуш, мустаҳкам оила ғояси олға сурилган.

Бундан 20-25 йил олдин ҳам бу тарбияга қаттиқ амал қилинган. Ёшларимиз бу тарбияни ўзлари ўйлагандек «уят», «шармандалик», деб тушунмаслиги керак. Сексологик тарбия ҳақида жумҳуриятимиз матбуот нашрларида саҳифалар бериб борилса, бу фан ҳақида ёшларга батафсилроқ тушунтирилса, ёмон бўлмасди. Жумҳуриятимиз медицина олий ўқув юртларида махсус сексолог врач кадрлар тайёрлаш факультетларини очиш зарур, деб ҳисоблайман. Бу тарбияни мактабда дарс сифатида ўтиш зарур.

Яқин вақтларгача бизнинг жумҳуриятимизда ўғил боланинг хатна қилдиришга батамом қаршилик қилиниб, диний ақида деб тушуниб келинарди. Хайриятки, хатна қилдиришнинг инсон саломатлиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги жаҳон медицинасида тан олинди. Европада хатна қилдирмаган эркаклардан аёлларда учрайдиган турли юқумли таносил касалликлари, ўткир яллиғланиш ва бошқа касалликлар ўтиши маълум бўлди. Шунинг учун ҳам сексологик тарбия жуда зарур.

Инсон саломатлигини сақлаш, хасталикни фақат дори билан даволаш ўрнига иложи борича халқ табобатчилиги йўлида даволашни кенг қўллаш ва тиклаш керак.

И. ФОЛЬКИН.
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.
Сурхондарё вилояти, Шеробод ноҳияси.

Она тилимиз—бебаҳо мулкимиз

Сўз тароватти

— Мана, давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди... Энди бу вазифани ким бажаради, тил ва адабиёт институтими ёки бошқа ташкилотми?

Ҳамсуҳбатимнинг бу саволи менга жуда ғалати туюлди. Чунки, у киши оддий ишчи ёки деҳқон эмас, дуппа-дуруст зиёли одам, ҳатто фан номзоди эди. Тўғри, ҳамсуҳбатим ижтимоий фанлар бўйича эмас, аниқ фанлар бўйича диссертация ҳимоя қилган олим. Лекин, ҳарқалай илм-фанга алоқаси бор одамнинг шундай савол бериши қизиқ-да. Зиёлиман деган одам борки, ўзини она тилидан, ўз халқининг адабиётидан айри тутмаслиги керак — мен шундай тушунаман.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос тароввати, нафосати, жаранги бўлади. Она тилимиз ҳам бундай фазилатлардан мустасно эмас. Маълум бир атамалар қайсидир тилда жарангдор, мусиқавий эшитилиши, ўша тил қонун-қоидаларига тушиб, ярашиб туриши мумкин. Бироқ бошқа бир тилга сўзма-сўз ўгирилса, кўп ҳолларда аввалги тароввати йўқолади. Чунончи «Он вырос круглой сиротой», деган гап рус тилида яхши жаранглаши мумкин. Борди-ю уни ўзбек тилига: «У думалоқ етим бўлиб ўсди», деб ўгирсангиз, тароввати йўқолади. Тароват йўқоладигина эмас, ҳам кулгингизни қистатади, ҳам хафа қилади.

Сўнгги ўттиз-қирқ йил ичида ўзбек тилига пала-партиш ўгирилган атамалар, иборалар шунчалик кўпайиб кетдики, санаб саноғига етолмайсиз. Мана, тасаввур қилинг, янги йил арафасида троллейбусда, автобусда ёки бошқа уловда кетаяпсиз. Улкан идоралар пештоқида, савдо дўконларининг деразаларида одам бўйидек ҳарфлар билан ёзилган сўзларни ўқийсиз: «Янги йилингиз билан!». Хўш, нима бу ўзи? Нима янги йил билан?!. Ахир бу ўзбек тилида ҳеч қанақа маъно ташимайдиган сўзлар-ку! «Янги йилингиз муборак!», «Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!». «Қутлуғ айём билан табриклаймиз!» деган гапларни наҳотки бутунлай истеъмолдан чиқариб юборамиз?!.

Афсус, минг афсуски, пала-партиш ўгирилиб, сўзлашув истеъмолига кириб кетган (гоҳо газета-журнал, китобларга ҳам кириб кетган) атамалар жуда ҳам кўп. Кўча-кўйда бировларнинг сўрашиб турганлари қулоққа чалинади:

— Келишлар билан! — дейди бири.

— Раҳмат! — дейди иккинчиси.

Маълум бўладики, биринчи одам сафардан қайтган, иккинчиси уни эсон-омон келгани билан қутлаяпти. Ота-боболаримиз эса, бундай ҳолатда бошқача сўрашганлар:

— Зиёратлар қабул бўлсин!

— Муродингиз ҳосил бўлсин!

Қаранг, қандай жарангдор, тароватли, қанчалик пурмаъно! Гоҳо иккала тараф ҳам охирги — «бўлсин» сўзини тушириб қолдириши мумкин, лекин бундан мазмунга зиён етмайди.

Кинофильмда бир йигит иккинчисидан сўраяпти: «Қатиқ билан қалайсан?» Бу, албатта, рус тилидаги «Как с кефиром?» деган сўзларнинг таржимаси бўлса керак. Аслида уни: «Қатиққа тобинг қалай?» деб ўгирса бўларди.

Футбол ўйини давомида шарҳловчи тинимсиз сўзлаб турибди... «Тўп билан Абдураимов» деган гапни эшитиб фиғон бўласиз. «Ҳой, инсон, тўп Абдураимовда, деб айтиш керак!» деб юборасиз беихтиёр. Афсуски, шарҳловчи сизни эшитмайди...

Баъзан тилнинг тароватига путур етказадиган сўзлар, атамалар ва иборалар ниҳоятда сезиш қийин бир ҳолатларда истеъмолга кириб кетаётир. Масалан, «шундан келиб чиқиб» деган иборани олайлик. Бу ибора шунчалик кенг тарқалиб кетдики, уни илмий ишларда, ҳатто тилшуносларимизнинг рисолаю мақолаларида ҳам истаганча топишингиз мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, рус тилидаги «исходя из этого» деган иборанинг сўзма-сўз таржимаси бу. Ҳой, биродарлар, «шундан келиб чиқиб» деган сохта ибора ўрнига ўзимизнинг «шунга кўра», «шунга биноан», «шу нуқтаи назардан» каби ибораларимиздан фойдаланаверсак бўлмайдими?

Яқинда кўрсатувни олиб бораётган бир журналист дўстимиз «чиқиш қилдилар» деган иборани қайта-қайта ишлатди. Бу ҳам сохта ибора. Мана шундай майда-чуйда иборалар тилнинг тароватини қочираверади. «Чиқиш қилдилар»нинг ўрнига «телевизорда сўзладилар», «матбуотда фикр билдирдилар», дейиш мумкин-ку ахир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидан аввал ҳам, шу ҳақдаги қонун кучга кирганидан кейин ҳам тилимизни тозалаш бойитиш, айрим унутилаёзган сўзларни тиклаш бўйича эзгу, савобли ишлар амалга оширилаяпти. Бу ҳақда фикрлар тўқнашуви, мунозаралар ҳам бўлиб турибди. Ҳатто «жумҳурият», «вилоят», «ноҳия» деган сўзларнинг кириб келаётганидан чўчиётганлар ҳам бор. Таажжубланарли жойи йўқ: қатағон йилларида кўпгина атамаларимизни қўллаганларга пантуркчи, панарабчи, панисломчи, деган тавқилаънат осилиб, уларнинг жазога тортилганлари шундоққина кўз олдимизда турибди. Ўша кунларнинг таъсири, қўрқуви бошқача, янгича мазмунларга осонликча ўрнини бермайди. Лекин, холисона айтганда, Ўрта Осиёдаги барча халқларининг сўзларини, шунингдек туркий, арабий, форсий халқларнинг сўзларини қайта ўзлаштиришдан, истеъмолга киритишдан ҳеч ҳам чўчимаслигимиз керак. Ҳатто ўрни келиб қолса, ҳинд, хитой, япон тилларидаги сўзларни ҳам ўзлаштириш фойдадан холи бўлмайди. Бу ҳолат Шарқ халқларини, Осиё қитъаси халқларини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилиши мумкин холос.

Латифанамо бир воқеа... Кўклам кунларидан бирида озиқ-овқат дўкони олдида одам кўпайиб қолди. Ҳали дўкон очилмаган эдию, навбатда турганлар занжири тобора узайиб борарди. Ўрта яшар бир киши у ёқбу ёққа аланглаганича менга яқинлашди-да:

— Магазинга нима келибди? — деб сўради.

— Карам келибди, — дедим унга жавобан, — ҳозир тансиқликда..

Ҳалиги одам ҳайрон бўлгандек кўзларини пирпиратиб турди, яна нимадир сўрамоқчи бўлдию сўрамади. Навбат олиб, одамлар сафига қўшилди. Бир маҳал дўкон очилди. Навбатда турганлар ичкарига кириб, битта-иккитадан карам олиб чиқаверишди. Шунда ҳалиги одам ҳафсаласи пир бўлиб:

— Э, биродар, қаранг-а, карам деганингиз капуста экан-ку, — деди-да, навбатдан чиқиб, жўнаб қолди.

Ҳар ҳолда капустанинг нималигини билиб қўйганимиз ҳам яхши-ю, карамнинг нималигини сира ҳам эсдан чиқармайлик! Эсдан чиқарадиган бўлсак, ўзбеклигимиз сохта гап бўлиб қолади.

Бир оғиз сўз тил бойлиги хусусида. Ўзбекистон радиосининг эшиттиришларидан бирида бир қишлоқ зиёлиси тилимиздаги «хотин-қизлар» деган сўзга қарши гапирди. Унинг айтишича, уруш йиллари қишлоқда хотинсимон қизлар кўпайиб кетган экан ва оқсоқоллардан кимдир, булар қизлар эмас, хотин бўлган қизлар, деган экан. Шундан бери шу сўз ўша зиёли акамизга ёқмас эмиш. Битта қишлоқда шундай бўлса бўлгандир, шу сўз ўн ёки йигирма нафар одамга ёқмаётгандир. Шунинг учун бутун бир тилни, бутун бир халқни тароватли бир сўздан маҳрум этиш зарурми?.. У киши «хотин-қизлар» ўрнига «аёллар» деб ишлатавериш керак, дейдилар. Бунга қўшилиб бўлмайди. Ҳар қайси сўзнинг ўз ўрни бор, гоҳо «аёллар» сўзи «хотин-қизлар»нинг ўрнини босолмайди. Қашшоқликка юз тутаман деган одамгина ўз уйидаги буюмни кўчага чиқариб ташлайди!

Луғат бойлиги — жуда ноёб бойлик, уни ҳеч қанақа нарх билан, ўлчов билан ўлчаб бўлмайди. Уни озайтириш ҳақида эмас, кўпайтириш ҳақида қайғурайлик. Майли, битта маъно ташийдиган сўзлар ўнта, йигирмата бўлсин — бу нарса тилнинг қадрини оширади, тароватини кўпайтиради.

Оқилжон ҲУСАН,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.



И. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри саҳнасида катталар учун «Қаҳ-қаҳа» спектакли намойиш этилади. Спектаклнинг муаллифлари Омон Шарипов ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Лутфулла Саъдуллаевлар унинг саҳнага қўювчи режиссёрлари ҳам ҳисобланишади.

Кундалик ҳаётимизда учрайдиган турли қусурлар ҳажв қилинган бу спектакль аслида санъаткорона бирлаштирилган жажжи миниатюралардан иборат.

СУРАТЛАРДА: спектаклдан кўриниш. Она ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти Манзура Ҳамидова, келин ролида эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Гулчеҳра Саъдуллаева.

А. РИСҚИЕВ суратга олган. (ЎзТАГ фотолавҳаси).

Луқма

Сув ичаяпсизми, заҳар?

Дарров «Худо асрасин, сув!» дейишингиз турган гап. Агар шу сўроқни хоразмликларга берсангиз, бирлари елка қисади, бошқаси сизни «анавунақа»га йўяди. Майли. Аммо, зардали сўроқ беришимизга асос бор-да!

Қадимий денгизнинг қуриб бориши Оролбўйи ҳудудида ичимлик суви муаммосини келтириб чиқарди. Атиги ўн йил муқаддам дарё сувининг ширинлигидан мақтанадиган юрт бугун турли кимёвий дорилар қуйқундисидан ифлосланган, шўрланиш миқдори ошган дарё сувини мол-қўйга беришга хавфсираб қолди. Қувурдаги сув ҳамма хўжаликларга етиб бормаганидан одамлар ҳовлиларида қудуқлар қазиришди. Лекин сўнгги пайтда тупроқ тузилишининг ўзгариши ер ости сувларига ҳам таъсир ўтказди. Беш метрча ер остидан сув олиб ичаётганлар энди ўн-ўн беш метр чуқурликлардан сув излаб қолишди. Ҳозир ўша сувларнинг ичишга тўла яроқлилигига кафиллик йўқ.

«Орол ҳаракати» аъзолари воҳада ўтказган учрашувларида ичимлик суви масаласи кўп бор кўтарилди. Юқоридан берилган ваъда: Туямўйин — Урганч қувурли сув йўлини тезда ишга тушириш. Агар Амударёнинг минглаб масофада йўл босиб келиши, йўл-йўлакай унга ташланаётган ташландиқ сувлар, саноат чиқиндисини назарда тутсак, энди одамлар бу илинждан ҳам шубҳага боришяпти. Йиғилишлардан бирида ҳамкасбимиз И. Шомуродов ҳар ойда вилоят рўзномасида ичимлик суви таркиби тўғрисида ахборот бериб боришни таклиф қилганди. Сўровга эътибор қилингани дек бўлди. Аммо, мана уч ой ўтдики, маъмурий аппарат жим. Ҳали бирор марта бизга нима ичаётганимиз маълум қилинмади.

Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти рўзномасида бу иш йўлга қўйилганига анча бўлди. «Советская Каракалпакия»да доимий бериб бориладиган «Экологик варақа»нинг 6-сонида ичимлик сувининг таркиби тўғрисидаги 1 ноябргача бўлган маълумотлардан маълум бўлишича, мухтор жумҳуриятнинг бирорта ноҳиясидаги на оқар сув ва на қувурли сувда ичимлик сувининг табобат белгилаб берган яроқлилик даражаси меъёрга тўғри келмас экан. Масалан, сувнинг «қаттиқ»лиги (асли норма 7,0) Хўжайли каналида 13,1, қувурдаги сувда эса 13.0 га тенг деб кўрсатилган. Беруний ва Тўрткўл ноҳияларида бу кўрсаткич 1,5-2 ҳисса баланд. Айни пайтда сувда турли кимёвий моддалар ва шўрнинг миқдори табобат меъёридан 1,5-2 карра юқори.

Мухтор жумҳурият табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан рўзнома ҳамкорликда чиқараётган «Варақа»да сувнинг чанг билан ифлосланиши Нукусда 2,7, Хўжайлида эса 4,7 марта кўплиги қайд этилган. Турли хил юқумли касалликларнинг тарқалиши, ошаётгани жойма-жой кўрсатиб ўтилган.

Ошкораликнинг қудратига тан берган ҳолда Хоразмда бу иш пайсалга солинаётганига афсусланамиз. Зотан, биз юқорида санаб ўтган мухтор жумҳуриятнинг айрим ноҳиялари шундоқ Хоразм вилояти билан ёндаш. Демак, орада ҳеч қандай фарқ йўқ.

Муштарийлар билан учрашувда қизиқ гап айтилганди: «Дўконларда минерал сувлар камёб. Айтишларича, айрим пулдорлар (раҳбарларни ҳам эътиборда тутишди) минерал сувларни минг-минг шишалаб олишиб, сув ўрнида чой қайнатишга, овқат пиширишга ишлатаётган эканлар...» Бу фактнинг қай даражада ростлигига аниқ бир гап айта олмаймиз. Аммо, эл орасида турли миш-мишлар тарқалишига сабаб бўлган нарсалар майда-чуйда гаплар эмас-да. Бунга фақат ошкоралик чек қўяди.

Она денгизи бошига тушган кулфатдан аросатда қолган бахти қаро элдошларимга «Сув ичаяпсизми, заҳар?» деб савол беришим бежиз эмаслиги аён бўлди. Сукут қачонгача давом этади? Халқ нима ичаётганини қачон билади?

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ТВ

6 ЯНВАРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Ахборот-мусиқий программа.

* * *

10.00 «Тошкент студияси кўрсатади». Ёш хонандаларнинг «Камолот-89» I жумҳурият конкурси ҳақида. 11.45 «Қайнона». Бадиий фильм. («Озарбайжонфильм»). 13.05 «Чорраҳа». Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳақида.

Тижорат видеоканали

13.35 «Юксалиш йўлидан». Сирдарё вилояти Жиззах ноҳия «Москва» колхози пахтакорларининг тажрибаси ҳақида. 14.05 «Марғилоннинг чала қурилиши». Шойи комбинати тўқув-безак фабрикасининг қурилишидаги муаммолар ҳақида.

* * *

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.30 «Ижод саҳифалари». Мирмухсин. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Экран таништиради...». 20.30 «Ахборот». 20.50 А. П. Чехов. «Илтимос». Ҳажвий новелла. 21.30 «Зарипов йигитлари». Цирк программаси. 22.00 «Хуршида Ўрунова куйлайди». Видеофильм премьераси. 23.00 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Онам, дадам ва мен». 9.30 «Рус тароналари». Чолғу триоси ижро этади. 9.45 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий ўйинга илова. 10.35 «Катта Ух». Мультфильм. 10.45 Киноафиша. 11.45 «Камбоджа бугун». Киноочерк. 12.20 «Стоп-кадр». Илмий-оммабоп кинокўрсатув. 13.20 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Батальонлар ўт очишни сўрашяпти». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм («Мосфильм»). 1 ва 2-сериялар. 15.45 Анимацион фильмлар I Бутуниттифоқ фестивалининг фильмлари «КРОК»: «Бермуд халқаси» (Литва киностудияси), «Сеп» («Ўзбекфильм»), «Капалаклар мавсуми». («Қозоқфильм»). 16.15 Оила экрани. «Тушингизга ҳам кирмаган». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 17.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг III Халқаро фестивали. «Кхмерларнинг мусиқий фольклори» (Камбоджа). 18.10 «Халқаро панорама». 18.55 Режиссёр А. Тарковский фильмлари. «Қурбонлик келтириш». Бадиий фильм (Швеция, Франция, Буюк Британия иштирокида). 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Аншлаг! Аншлаг!». 23.40 «Рождество учрашувлари». Алла Пугачеванинг қўшиқлар театри.

● МТ II

17.25 Мультфильмлар: «Тез орада ёмғир бўлади», «Аждаҳо». 18.05 В. Славкин. «Картина». Фильм-спектакль. 19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурда таржимаси билан). 19.30 Киноконцерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ғаройиб қудуқ». Мультфильм. 2-қисм. 20.55 Шимолий Осетия АССР Давлат телерадиоси. «Ўз оиласида» (Орджоникидзе шаҳри). 21.10 Телевизион мусиқий абонемент. «Тарих афсонага ўхшайди». 1-кўрсатув. 22.00 «Ўзгариш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Сибирда рус православлари черкови ҳақида (Новосибирск). 23.20 Духовой куйлардан концерт. 01.20 «Тунги сеанс. «Жаноб безовчи». Бадиий фильм. («Ленфильм»).

«Ёш ленинчи» газетаси редакцияси коллективи «Совет Ўзбекистони» газетаси муҳаррири, таниқли ёзувчи ва публицист Ўктам Иброҳимович УСМОНОВ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ёш ленинчи»

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ—32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03011.
Д. — 2804.

Муҳаррир ўринбосари Қулман ОЧИЛ.